



СУЙГАН ЧОКЛАРДА

Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингдан ўкидим.
Ўкидим-да истикболим кушига
Хаёлимдан олтин кафас тўкидим.

Гунафшалар кулогимга мадхингни
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...
Аламзада булбул йиглаб, кечалар
Аламингнинг сўнгин тамом этмади.

Кўзингдаги хикоянинг мазмунин
Шоир бўлсам, айтиб-айтиб йиглардим.
Ўшал, эски жарохатли калбимни
Сатрларнинг наштари-ла тилардим.

Хаёлимнинг кип-кизилдан кийинган
Парилари, хурларини кўрдингми?
Аламимдан гуллар эккан йўллардан
Коинотга хаёт сочиб юрдингми?

Йўлларингда шеър айтса сўлган барг,
Кулогимга мусикалар келтирур.
Качон сенинг мусикали овозинг
Сенинг мени суйганингни билдирур?
1921 йил.

ГЎЗАЛ

Коронгу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,
Айтадир: “Мен уни тушда кўрамен,
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!”

Кўзимни оламен ой чиккан ёкга,

Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоқга.
Ул-да айтадир: “Бир кизил янокга
Учрадим тушимда, кўмилган окга.
Окга кўмилганда шунчалар гўзал,
Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!

Эрта тонг шамоли сочларин ёйиб,
Ёнимдан ўтганда сўраб кўрамен.
Айтадир: “Бир кўриб, йўлимдан озиб,
Тог ва тошлар ичра истаб юрамен!
Бир кўрдим мен уни – шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”

Ул кеткач, кун чикар ёруглик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўгрингда,
Ул-да уятдан бекиниб, кочиб,
Айтадир: “Бир кўрдим тушдамас, ўнгда,
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”

Мен йўксил не бўлиб уни суйибмен?!
Унинг-чун ёнибмен, ёниб куйибмен.
Бошимни зўр ишга бериб кўйибмен.
Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?
“Мен суйган суюкли шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”
Тошкент, 1919 йил, Феврал.

ХАЁЛИ

Кўнглимдаги* мухаббатнинг учкуни
Хаёлимнинг бир бурчида беркитдим.
Ул учкуннинг кучлигидан сийнамда
Хеч тузалмас, огир яра бор этдим.

Кулогимга “Ол бахт!” деб эшитилган
Азонларни шайтоний деб ўйладим,
Шунинг учун бахт берган малакка
Турли-турли афсоналар сўзладим....

Сочларини ўйнаб туриб эшитди
Ва дедиким: “Афсоналар бехуда!”
Бул сўзлари кулогимга етишди:
“Оқдим,- дедим,-конли, зардобли сувда...”

“Ок-ок,- деди афсоналар султони, -

“Сенинг тахтинг, бахтинг унда кутади;
Ул зардобли, конли сувлар остида
Кора кийган жонинг жилва этадир.”

Кет, эй шайтон, босинкирадим... кўркамен:
Кет-кет. Килич синган, калкон тешилган.
Кўрасанми? Мен эзилган ётамен,
Устимга-да бало тоги йикилган.

Сўнгги нафас, охирги дам, эй малак,
Кел, бир кара, сўнгра йикилсун фалак.
Тошкент, 1920 йил, июл.

ЗАРАФШОН

Сафар эсдалиги

Кўз олдимда окиб ёткан Зарафшон,
Ёш боладек эркалайдир, ўйнайдир.
Ховликма хам бўлса ўзи, кўп чаккон,
Унча-мунча тўсикларни кўймайдир.

Катта-кичик тошлар бўлса йўлида,
Хеч курамай судраб кетар илгари.
Ким биладир, жон топширмиш кўлида,
Хазил-хазил билан канча ёш-кари?..

Унинг ўзи шу ўйноки килиги,
Шу ховликма одати-ла кўп кўркинч,
Сувларининг нозли киздек силлиги
Кўп танларни агдарарлик катта куч!..

Ундан кўркинч унинг ўтқарганлари,
Салтанатлар, конлар, улуг тарихи.
Сийнасида бўғиб ўлдирганлари,
Кўп жонларнинг инграйиши ва охи!

Тарихининг канотлари сўнг йиллар
Аллакандай кора ранг-ла бўялмиш.
Ёнларида яшагучи кўп еллар
Кора ёзмиш козигига суялмиш...

Шўх-шўх окиб, юрагида яширинча
Тарихларни, асрларни каргамиш.
Билармикин, ўз умрида ул канча
Яхши эрлар ёд этмиш-да, алкамиш?

Ай, Зарафшон, ўйнаб-кулиб ока бер,
Мазлумларнинг юрагини ёка бер...
1920 йил, Август, Самарканд.

КАЛАНДАР ИШКИ

(Эски тартибда)

Мухаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўкотдим-ку,
Асрлик тош янглиг бу хатарлик йўлда котдим-ку*.
Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлкини бордир,
Халокат бўлгусин билмай кулочни катта отдим-ку.
Ажиб дунё экан бу ишк дунёси, аё дўстлар,
Бу дунё деб у дунёни бахосиз пулга сотдим-ку.
Унинг гулзорида булбул ўкиб кон айлади багрим,
Кўзимдан ёшни жо айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.
Каландардек юриб дунёни кездим, топмаин ёрни
Яна кулбамга кайгулар, аламлар бир-ла кайтдим-ку.
Мухаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Куёшнинг нурига токат килолмай ерга ботдим-ку.
Боку, 1920 йил.

ТАБИАТКА

(Саид Али Хўжага багишлаб)

Кел, малак, кел, кел, пари, кел, кел, ўпай бир эркалаб,
Кел, куёш чиккунча ўптир... кел, кел ўпай бир эрталаб!
Кел, кучоклай, кел кўлингни, бармогингни бир кўрай,
Кел, кўзингга кўз солай, кел, кўрай, сўнгра ўлай...
Келма, келма, эй пари, сен, танларинг нурдир сенинг,
Танларинг нур, юзларинг нур, тенгларинг хурдир сенинг...
Ёкти ойлардан куйилган ёгдулардандир танинг,
Кўк юзида барча юлдузлар суюнчингдир сенинг...
Кўланкангдир – бокчаларга турли гулларни сочар,
Кўз карашингдир сенинг, элга саодатлар очар...
Ўйнашингдир – ўйноки юмшок шамолни кўзгатар,
Тўхташингдир – дунёда барча хаётни тўхтатар.
Сўзлашингдир – бокчаларда барча кушни сайратар,
Бир табассум килмогингдир – барча жонни яйратар,
Куйлашингдир – уйкуда котган жахонни ўйнатар.
Уйкудан турган жахон ул куч биландир, тўй этар...
Кайгуриб колган чогингдир, барча жонлар кайгурар.
Хар томонда кайгу, хасрат, хар азиз жон ох урар.
Кўк юзини коп-кора, машъум булутлардир ўрар,
Ул булутлар устига отдек миниб девлар чопар.

Хар уришда камчини ўтлар ёнар, чакмок чакар.
Ул булутлар чопсалар девлар билан осмон бўйи,
Унда бошланса жин, алвасти ва шайтонлар тўйи
Кўк гўзалдир, сел ёгар, дўллар кучар, тўфон босар,
Кум кўчар... Тоглар қадар кумлар кўчар... йўлни тўсар...
Зўр денгизлар наъра тортар... жон сўрар тўлкин чопар.
Катта тўлкинлар келар-да, майда тўлкинлар кочар...
Майда тўлкинлар “ўлим” раксин этарлар куйлашиб,
Сўнгра киргокка чиқарлар жонлиларни йўклашиб,
Келма-келма... мен фақир... бечора... йўксил бир киши.
Мен каби йўксил кишинг ёгдуларда не иши?...
1920, Апрель 29.

УЙКУ

(“Бормаймен деди” куйига)

Жим тулинг, шовкинламанг, уйку ичида ул пари,
Юрма, тек тур, эй шамол, юрсанг-да юр, бироз нари!
Кўкда бир тўп киз-малак уйку куйини бошлади.
Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади.
Бош учида айланар бир тўп фаришта жимгина;
Кўк элининг тангриси – ой хам қарайдир тинчгина.
Ул олос кўзлар юмулган... куйни ёндиргачгина,
Кўп гўзал кўзларни юмдиргач, уялдиргачгина...
Чарчаган, толган, умидсиз кўзларим тўймай қарар,
Хар қарашда кўнглима минг турли ўйларни солар...
Бу ётиш, бу уйку, бу қандай ширин, қандай гўзал,
Жонланар, юз кўрсатар синган ва ясанган амал.
У ётиш, уйку на ерда, на хаёлий кўкда бор,
Бу гўзал сирли томоша менда, мен ўксукда бор.
Жим тулинг. Шовкинламанг, уйку ичинда ул пари,
Кўзларим тўймай қарар, борлик кўринма, тур нари...
Тошкент, 1921, Феврал.

БОКУГА ШАРК КУРУЛТОЙИГА КЕТКАНДА

Йўлимизда чўллар, сувлар, денгизлар,
Босувчисин таниб бўлмаслик излар,
Шул изларни босиб, денгизлар кечиб,
Буюк амал билан борамиз бизлар!
Юракдаги саклаб борган амаллар,
Йўллардаги денгизлардан улугрок;
Эзилганлар тилак тилар бу йўли
Аввалгидан тўлуғрок.
Маҳкам килиб боғланган камарлар...

Шаркнинг эски чигалини ечайлик.
1920 йил, 10 Август, Тошкент.

ПАРЧА

Мақтадим, кўкка кўтардим сизни мен,
Энди менга сизга етмаклик кийин.
Мақтамоқга бир киришгач мактайин,
Тўхтасам, сўнгги тинимда тўхтайин!...
1920 йил.

ЁРУГ ЮЛДУЗГА

(Хазар эсдалиги)

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла.
Оталарнинг тарихдаги хатосин,
Шул хатодан осуфланиб товларнинг
Эл кўксида сурган ишрат, сафосин.

Сўзла, англлат ўтгандаги турмушнинг
Бутун конли, шонли, жонли ерларин.
Кўз олдимда жилваланур юрт учун
Жонлар бериб, конлар тўккан ерларинг.

Ўнат, кўзгат, тўлкинлантир, ховликтир
Кенг Хазарнинг кўм-кўк, юмшок сувларин,
Сўзлаттириб, чарчат, хорсин, чарчасин,
Тери оксин, кўкка чиқар бугларин.

Кўпиклантир, майда, оппок кўпикдан
Кўйлак кийдир, ясантир сув бетларин,
Ул сувлар-ла пардоз килдир, кийинтир
Тогли, тошли киргоқларин, четларин.

Нега жимсен, нега жавоб бермайсен,
Нега кўзинг кизаринди, ёшланди?
Нега юзинг сўлган каби юмшарди?
Нега сенда бир талваса бошланди?

Биламен мен, сўзламайсен шунинг-чун —
Сўзлайдирган яхши сўзинг йўқ эрур.
Огиз очсанг, йўксил элни эзмакка,
Кон килмоқка хасратларинг кўп эрур.

Майли, майли, кандок аччик бўлса хам,

Тўгри сўзни яширмасдан сўзлай бер,
Хар канчалар юрак ёргич куй бўлса,
Ботир бўлиб секингина куйлай бер.

Ўтганларнинг захари ҳам бу кунда
Кўнгилларга тегмай ўтар кабидир.
Кечмишларнинг йигиси ҳам шу кунда
Йўксил дилни суюнтирар кабидир.

Фалокатлар кўрган ота-боболар
Истикболнинг кимматини билмаган.
Эл ва юртни саклар учун сўнг хонлар
Тузуккина чора, тадбир килмаган.

Биз, йўксиллар, бошқаларга кул бўлиб,
Чет оёқлар томонидан эзилдик.
Хар ярамас, хар бузукнинг тагида
Алам ортган, жабр кўрган биз эдик.

Етар, бўлди. Мени гапга солдинг-да,
Ўзинг унда тинглабгина турасан:
Яна, тагин таъсирланиб сўзимдан,
Ох-воҳ килиб, ўзни хар ён урасан.

Сўзла, сен-да тилларингни ўйнатиб,
Эски алам ичра бизни олиб бор.
Яширин ётган пардаларни, зулматни
Караб турма, нуринг билан йирт-юбор.

Ялентирма, бошқаларга ялинган
Каби сен ҳам ялентирмок истайсен,
Эзилганни эзишликка сен, гўзал.
Озрок шарм, озрок хаё килмайсен?

Сўзла, англа, гўзал юлдуз, тез сўзла,
Мен-да сенингдек чиройли сўйлармен.
Хазардаги кўпикларга бирлашиб,
Сени мактаб ширин куйлар куйлармен.

Огиз очдинг, товшинг келди, эй юлдуз,
Сўзла, сўзла, ёт киши йўк, иккимиз...
Баҳри Хазар, 19 Август, 920 йил.

ПЎРТАНА

Пўртана кўзгалди, пўртана юрди,

Пўртана ўзини киргокка урди.
Пўртана олдида бир кема кўрди;
Ичида зич одам... ўйнатди, сурди.

Ул кучли, ул ботир, ул кўркмас, юраклик,
Ул магрур, керилган хам мажнун, ховликма,
Фарёд дер киргоклар ундан, шу тугролик –
Шахардек кемалар унга бир лукма...

Ул ўзи кон ичар, кон олур бўлса-да,
Багрида севгиси кучли,
Бакириб, ўкириб, югуриб юрса-да,
Гўзални суювга ўчли...

Сув кизи:
Чиройли, сочлари коп-кора,
Бўйнидан сочилган, таркок,
Кўзлари дил тортар, четроқдан бир кара.

Илиндинг... рахмсиз ул тузок...
Кўзлари кийикни кўр килди кўрмадинг,
Сўзлари – булбулни туткин;
Юзлари ойларни ботирди билмадинг,

Булутлар остига кочиб кирди кун!
Ана шул гўзални, ана шул малакни
Йўк, янглиш... фалакни,
Пўртана кўксида саклар,
Ерлар сарф этар гайратни, амакни
Иш килиб малакни,
Йўк... жахон, фалакни
Ок кўпик ичида оклар.

Баъзида хисобсиз ок кўпик ичига
Султондек туткизар уни,
Дам кўкка иргитиб, дам тортар кўксига.
Шу йўлда ўйнатур кизни,
Кулдириб у нурли юзни.
Суйдириб у оху кўзни,
Кул килиб сизни хам бизни...

Кўпиклар... у оппок, саноксиз кўпиклар
Юлдуздек жимирлаб туралар,
Кўпиклар... у кичик, чиройлик кўпиклар
Ошикнинг кўнглидан уралар...

Кичкирар, бўкирар, бўкирар йўлбарсдек,
Югурар, секирар, отилур девдек.
Олдида хеч тўсик. Хеч моне кўймасдек
Интилар... ўнг-сўлни кўрмай...

Кўтарса бошини, кўкларга тегадир.
Булутлар, чакмоқлар дахшатда,
Эгса ул бўйнини, кўп вақт эгадир,
Сув тегин кўрасан дахшатда.

Жонворлар кўркадир... дахшатда титрайдир.
Баликлар ўлимни куталар.
Кучлиги кучсизни ютмайдир, ситмайдир.
Кўркудан огулар юталар...
Денгиз тинч, кўркув йўк. Киёмат ухлайдир.
Пўртана жим-житдир уйда.
Шамолни пўртана кўзгатмай саклайдир
Кўзгалмоқ деган сўз йўк унда.

Бу – махшар, киёмат, пўртана. Тўлкинлар –
Хаммаси йўксилнинг кўнглида.
Бир дамда дунёни куйдирур вулконлар
Ожизнинг у ўтли дилида...

Ўйна, эй тўлкинлар, пўртана дахшат сол.
Киргоқлар титрасин, кўркиб,
Кўк юзи; ер ости тинч бўлса – вахшат сол
Дарёдан сув ташлаб, пуркаб.

Бу менинг кенг кўнглим гавғони, жанжални,
Тўполон, кўзгалиш, чувалаш,
Исёнли, тўфонли
Суядир; шунинг-чун дунёни, жахонни,
тоғ ва тош
Хаммасин агдармоқ истайдир,
ёнадир, куядир...

Ўйнат, эй, пўртана, тўхтатма, кувват ол.
Чоғ' келгач, эриниб ётма, ухлама,
бўлмасин йўклама.
Кўп эзган душмандан,
паст ёндан
Ўчни ол, ўчни ол, ўч ол!...
Тошкент, 1920 йил, май.

ТОРТИШУВ ТОНГИ

Енган кўшин бошлигидек гердайиб
Ботган куёш булутларнинг остидан
Бош кўтариб чикмок учун тириша.
Шунинг учун бери ёқда иржайиб
Кулишурлар.
Унга карши, каршидан
Йиглов, сиктов, товуш, гавго, хархаша.

Суюнингиз:
кўпдан бери зиндонда
Куёш кўрмай, захлаб колган кўнгиллар.
Чикар кунлар етди сизга ундан-да,
Мунда ечиб юборилган тугунлар.

Кайгурингиз:
Кишанларни ясовчи
усталар.
Бошкаларни тубанлар деб атовчи
хўжалар,
Сизнинг учун ёз бошининг коридек
Эрув кунлар келадир,
Сизнинг учун алвастининг зоридек
йиглар кунлар келадир...
Чикадирган куёшни сиз беҳуда
Этак билан тўсмок учун тиришманг,
Ахмок бўлиб Азроилнинг олдида
Жон талашинг, то ўлгунча беришманг.
Тошкент, 1920 йил, Октябр.

ШАРК НУРИ

(Мулла Нур Вохидов рухига)

Сўнг даврда йўксул Шаркнинг тарихи
Бир бет бўлсун, ок сатрни кўрмади.
Дунё тарихини ёзган муаррих
Яхшиликга каламини бурмади.

Шаркнинг кайси бурчагини карасанг,
Йўклик, ўлим, зулм, каргиш кўрардинг.
“Томуг” деган сўзни билмак истасанг,
Шаркни бошдан оёккача юрардинг.

Бир замонлар ер юзинда ўз бошли
Улуг, шонли маданият тугдирган
У гўзал Шарк, ширин тупрок сўнг замон

Бўлди четлар панжасида кўз ёшли...

Унинг бундай кизганичли холига
Хар кимдан кўп кон йиглаган сен эдинг.
Уни эзгон йирткич кўлли маъзинга
Сен улуг ёв, сен муяссам кин эдинг.

Инсонликга саодатнинг бирдан-бир
Тўгри йўлни кўрсаткучи Марксди:
Бирок Шаркка кутулишнинг йўлини
Кўрсаткучи улуг дохий сен эдинг.
Сендек киши Шарк элига тансиқди.

Пок сийнангга ўк отгувчи душманлар,
Ўйламаки, бир ўзингнинг душманинг,
У душманлар бутун Шаркнинг душмани,
Кўпдан ичиб келган конларин унинг.

Кун хам Шаркдан, ой хам Шаркдан чиқадир,
Бирок бир сен Гарбда чиқдинг ва ботдинг;
Шунинг учун меним шарклик рухимда
Ажиб мудхиш, кўркунч туйгу уйготдинг!

Шаркнинг куни кирса булут остига,
Сенинг сўнук кунларингни ўйлайман;
Ботиб борган ойга караб: “Ай, йўксил,
У улуг нур сенмасму?”- деб сўраймен.

Эхтимолдир, сени хар бир нарсадан
Азиз кўрган, у сен суйган йўксил Шарк,
Рухларингни ой ўрнига кўйгандир,
Балки бизнинг кўзларимиз килмас фарк...

Меним шарклик кўзим сенинг рухингни,
Шаркнинг хар бир бурчагида кўрадир;
Тўгри, сенинг у шарксуяр рухларинг
Алжумларда, саробларда юрадир.

Энди ундан учиб ўтди Мисрнинг
Сирлар тўлиб оккан Нили бўйига;
Нилни бўйлаб келиб, кирди у рухинг.
Фаллохларнинг* кашшокларча тўйига,

Ундан ўтиб Суриянинг Шомига
Аср кўрган кўчаларни айланди.
Шу минутда Химолоё тогида

Хинд кизига йигитликка сайланди.

Кеча кўрдим уни; будда ёнида
Риёзатнинг фойдасини ўқурди,
Ўткан кунни Нишопурда – бокчада
Хайём билан ишкий шеър тўқурди.

Ўткан хафта Чин-мочиннинг юртида
Конфутсиу фалсафасин эшитди.
Бу хафтада Эрон бориб зардаштга
Нича билан калайсиз деб тегишди...

Хиндистонда Бедил билан юрганин
Меним шарклик кўзим аник кўрмишди.
Аламутнинг***** тепасида юрганда
Меним рухим оркасида юрмишди...

Шунинг учун суяр сени бутун Шарк.
Сен Шаркмисан, Шарк сенмидир била фарк.
1918.

“ЎЗБЕК КИЗИ” УЧУН

(Усмонлича)

Гўруёрум: Хер бир элинг гогунде,
Йилдузлари парил-парил янриёр,
Йилдизларинг ере сачан нурини
Хер бир инсан иче-иче каниёр.

Гулшан йў ки кадин гули ачмасун.
Бакча йўк ки кадин булбул отмесин.
Ер йўкки кадин иси сачмасун.
Гонгул йўкки кадин мафтун этмасун.

Хер миллетинг гулшанида гуллари
О миллетинг кадинлери, кизлари:
Хер миллетинг хак суйдиги бир ёлу
Кадинлигин басмиш олан изидир.

Хич миллетда кадинларин о гўзел
Чехрелери перделере гирмиёр.
Хич миллетде хаъин ел
Кадинлара газаб ила эрмиёр.

Хер нерейе гирдим исем: каршимда

Кадинлари ачик юзде булурум;
Хатирларим: Капахдир юрдумда,
Ўзбек кизи кайгулара доларим,
Богулурум
Ўлурум...
Сиях перде билир мисин? – О алчак
Эски дуня сени бизе биракмиш.
Эркли олан кадинларин башина
Дин исминден эсирлиги о такмиш.

Кўз алдинда эски дуня о буюк
Салтанати шевкет иле ўлиёр.
Ўлмесине иблислердир аглаян
Мелеклерсе гўк юзинде гулуёр.

Сен де онунг мирасисин эй перде,
Каламазсин азад олан бу ерде,
Анд ичрим: Эсир Ўзбек киз ичун,
Шимде бурда ялниз мезар сенингчун.
Бир мезар ки, ташлариндан яш дамлар
Таш ичинде Ўзбек кизи – хеп аглар.
1920 йил Август, Баку.

1-бўлим: ЮРТ КАЙГУСИ

ОГРИГАНДА

Бўгик, кисик, асабий бир кўнгил билан тун ва кун
Тўшакда, ўйлар орасинда инграб ётмак
Огир... кийин...
Бу ётишнинг сўнги, сўнги келсун!
Ёзилмаганми бу тунлар сўнгида тонг отмак?

Кўзимда эрта ва кеч бир йигин хиёл очилар,
Хаёл билан кўраман, кўк юзи булутли каби,
Бутун кўнгил ва юраклар оловли, ўтли каби;
Булут кўзидан эса ерга огу –ёш сочилар.

Менинг ўйимми кора? Ёки юрт кўкида булут,

Куюк булут тўдаси конли ёш тўкиб йиглар?
Меним бу хаста дилимни яна нечун тиглар?
Меним-да кўксима бокмокчи истар ул бир ўт?

Бўгик , кисик бу кўнгил кучли ўт билан ёнадир,
У ўт орасида юртнинг хаёли жонланадир...
922 йил, 11 Феврал, Бухоро.

КУЗ

Кўм-кўк экан, саргайдилар япроклар –
Огрик, маглуб, туткун Шаркнинг юзидек.
Бўронларнинг кўзлари, ким ўйноклар,
Голиб Гарбнинг конга тўлган кўзидек,

Кора булут тўдаси ким кўкларни –
Шаркни ёпган парда янглиг ёпмушдир.
Куз кўшини – огу тўлуғ ўкларни
Ёз багрига ҳеч саноксиз отмишдир!

Бало янглиг катор-катор чизилиб,
Кўк юзидан каргалар ҳам ўталар.
Шаркдек ичдан яширингина эзилиб,
Кўп жонлилар сўнгги тинни куталар.

Бутун борлик – чоғлик ўчиш олдида,
Совук... кора кишга кўчиш олдида.
921 йил, Ноябрь 1, Бухоро.

ЮПАНМОК ИСТАГИ

Билмадим кўнглимни юпатгай кимлар:
Тогларми, тошларми ё окар сувлар.
Ёки кишанлардан бўшалган куллар,
Ёки севилмасдан ташланган туллар?

Ёки ойдин тунда кўзимни олмай
Кўклардан юпаткич юлдуз ахтарай?!
Ёки тонг чоғида сабо юпатгай,
Ёки ойдан томган вафосиз нурлар?

Ёку кўз ёшидан йигилган бир кўл
Бўйида эгилган толда бир булбул
Сайраса, йигласа, маъшукаси гул
Кулганда юпатгай кўлдаги хурлар?

Чарчаган йўловчи йўлдан адашса,
Текис йўл колса-да, тоғларни ошса,
Йўлни кўрсатувчи юлдуз-да кочса,
Шунда юпатгайми ялангоч чўллар?

Эркин далаларнинг эркин султони,
Сонсиз подаларнинг ёлғиз чўпони
Най чалиб тоғлардан истаса ёрни,
Балки юпатгуси “ёр” деган куйлар?

Турмушда, хаёлда... хар бир нарсада
Ёлғиз алданишни кўрган бир банда
Борликка каргишлар ёғдирган танда
Балки юпатгуси у аччик сўзлар?

Денгизлар кайнаса, тошса сувлари,
Кесилса йўлчининг истак йўллари,
Денгизга айланса ўнг ва сўллари,
Балки юпатгуси хўлланган кўзлар?

Кўнгилда уйгонса енгил хаваслар,
Узилса, бузилса олтин кафаслар,
Бирга ичишсалар бир тўда мастлар,
Балки юпатгайлар ўйноки кизлар?

Ўйланган ўйларга кўнгил юпанмас,
Кўнгилнинг истаги ўй билан конмас,
Айтарлар бу тунда ёруг шам ёнмас,
Чакмаса гугуртни асл ўгиллар....
922 йил, июн 9, Жумабозор станцияси (Ўрта Осиё Темирўйли).

2-бўлим: УМИД ва ИМОН:

ХАЛК

Халк денгиздир, халк тўлкиндир, халк кучдир.
Халк исёндир, халк оловдир, халк ўчдир...
Халк кўзгалса куч йўқдир, ким тўхтатсин.
Кувват йўқ, ким халк истагин йўқ этсин.
Халк исёни салтанатни йўқ килди.
Халк истади, тож ва тахтлар йикилди...

Халк истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсун унинг бошидаги кўланка.
Бир кўзгалур, бир кўпирар, бир кайнар,
Бир интилар, бир ховликар, бир ўйнар,

Йўкликни-да, очликни-да йўк этар,
Ўз юртини хар нарсага тўк этар...

Бутун кучни халк ичидан олайлик,
Кучок очиб халк ичига борайлик!
921 йил, 7 Сентябр, Бухоро.

МЕН КОЧМАДИМ

(Тошкентдаги ўртоқларимга)

Мен кочмадим! Нега мени “кочди” деб,
Йўкга бунча шовкун-сурон килдингиз?
Кучогини “ўзлик”ига очди деб,
Ок исмимга кора занжир илдингиз?

Мен “ўзлик”дан кўпдан бери узилиб,
“Кўплик” ичра ботиб кеткан танамен.
У “кўплик”нинг кайгусида чўзилиб,
Кулоч отиб, сузиб юрган – яна мен.

Мен янгиликлар ўлкасидан синмаган
Бир канотни такиб олиб, кўзгалдим;
Шу йўлимда япроклари сўлмаган
“Ёш ягоч”нинг соясида тўхталдим.

Икки кўзим ялт-юлт этиб кўкимдан
Тилагимнинг юлдузини карайдир.
Чог-чог йиглаб, ўтиб кетиб ўнгимдан
Кора булут, унинг юзин коплайдир.

Бирок яна унинг юзи кўриниб,
Кўзларимни камаштириб кўядир.
Килич ботиб, ханжар дилга уруниб,
Тунга яна кайси караш тўядир?

Мен кочмадим! – мен тилакни излаймен,
Канот кучлик, борган сари тезлаймен!
921 йил, Бухоро.

ЎТЛИ СУВ

Зўр денгизнинг тўлкинидир, багримда
Юз йилларнинг конли кўркинч изи бор.

Юмшок сувдан бирикирган огзида
Шафкат билмас исёнларнинг сўзи бор!

Кандай магрур ахмоқлар, ким тинч ерда
Тот олурлар уни қаргаб, сўқмоқдан.
Йўлчи бўлиб, йўлга чиккач, бу ерда
Жон берарлар дахшатидан, кўркмоқдан.

Кора булут кўзларидан кўп чоклар
Ховуч-ховуч янги кучлар оладир.
Эй тинч ерда кулар юзли ўйноқлар,
Сизга ёлғиз ковогини соладир.

Саватингиз, хуржунингиз кўрди, ким
Кўз ёшлари кайгулар-ла тўлмишдир.
Учиб ўткан йўлчилардан сўрди, ким
Кўлингизда жон йигитлар ўлмишдир.

Кўпирар ул, ховликар ул, тошар ул,
Гўрингиздан наъра тортиб ошар ул!..
922 йил, Март 22, Тошкент.

КЕЛ БЕРИ

Кел менга, кел, кел менга,
Кучогимни очганмен.
Турмуш – хақиқат бўлса,
Борлигимни отганмен.

Мен кучли, менда исён,
Мен – тўлкин, менда тугён.
Кўпирурмен, тошармен,
Чегарамдан ошармен!

Тўфоним елни босар,
Турмуш тоғларин ошар
Ва ўлмас, мангу яшар!..
921 йил, Сентябрь 21, Девонабоғ.

ВИЖДОН ЭРКИ

(Туткунларга)

Эй туткунлар, эй эзилган,

Эй кийналган йўксул эллар!
Эй умидсиз, эх чизилган
Дор олдига... оппок диллар!

Эй бевалар, бечоралар,
Эй боғланган кишанларга,
Эй эрк учун оворалар,
Кўп ялинманг сиз уларга!

Бўрилардан омон кутмак
Тентакларнинг ишидир ул.
Хар маънини хатлаб ўтмак
Турмушда энг тўгри бир йўл.

Зулм олдида хар бир нарса,
Эхтимол, ки бўйнин эгар.
Агар зулм авжга келса,
Кўк боши-да ерга тегар.

Хайвонларга, инсонларга
Золим эга бўлмай колмас.
Факат эркин виждонларга
Эга бўлмак мумкин эрмас!..
Июн 1922, Самарканд.

КУРАШ

Бакиргувчи, ўкиргувчи бир товуш
Ботирларнинг жон сўраган товшидир.
Йикитгувчи, ағдаргувчи кўзгалиш
Яқиндаги зўр курашнинг бошидир.

Тентаклардек борар ерин билолмай,
Унда-бунда ўзни урган душмандир.
Кенг юракда тура олмай, сиголмай,
Тошиб кеткан йўксилдаги имондир.

Улуг, каттик ағдаргувчи бир кураш,
Ё бор бўлиш, ё йўк бўлиш,
Йўк – яраш!
921 йил, Март 8, Тошкент.

ЮРТ ЙЎЛИ

Узок... огир йўлга чиккан йўлчимен,
Бу йўлларда килагузим юлдуздир.

Мен юртимнинг пок истакли кучимен,
У юлдузнинг тугалиши кундуздир.

Томирларим, олов каби кайнаган
Конларини кечмишлардан олмишдир.
Билагимда иргиб, чопиб ўйнаган
Унутма, ким оёқларинг толмишдир.

Узок йўлнинг йўлчисимен, борамен,
Истагимни бу йўллардан оламен.
922 йил, Декабр 12, Бухоро.

3-бўлим: ЧЎРИЛАР УЧУН

ШАРК КИЗИ

(Синглимга)

Айталар, ким совук, шумли кора киш
Ўтиб кетиб, келмиш чиройли бахор.
Гулга ошик бўлиб, сайрар эмиш куш,
Гул хам ул кушларга нозланиб қарар.

Айталар, далада ер бети тамом
Кўм-кўк духобадан кўйлақлар киймиш.
Хўрозлар чакириб, юзин очса тонг,
Сабонинг лабини ошиқлар эммиш...

Хар кимда бир шодлик, хар кимда бир рух,
Хар ким кулиб қарар эмиш дунёга.
Хатто, чол-бобойлар айталармиш: “Ух
Чиқиб юрсанг эди ёзги хавога!”

Факат мен бир ўзим, Шаркнинг бир кизи
Бахор келганини кўрмай коламен.
Узун, кора кишнинг кетмасдан изи
Унинг дўсти – кузни кутиб оламен.

Меним учун ёруғ дунё рохати –
Тўрт девор ичинда кўзлар ўйнатмақ.
Меним учун улуг шодлик соати –
Телба кўкрагимда ўйлар уйготмақ...

Мен бир Шарк кизимен, Шаркнинг ўзидек
Бутун таним, жоним – хаёл уяси.
Меним кора кўзим кийик кўзидек

Белгисиз овчининг ўкин кўргуси....

Айталар, ким ёзда хар бир жонивор
Эркин нафас олар, шодланар, яйрар...
Айтмайлар, ким Шарқда борлик хотинлар
Ул ёруг дунёга не замон кирар?
920 йил, Апрель 22, Тошкент.

МЕН ва БОШКАЛАР

(Ўзбек Кизи Огзидан)

Кулган бошқалардир, йиглаган менмен,
Ўйнаган бошқалар, инграган менмен.
Эрк эртақларини эшиткан бошка,
Куллик кўшигини тинглагон менмен.

Бошкада канот бор, кўкка учадир,
Шохларга кўнадир, богда яйрайдир.
Сўзлари садафдек, товуши найдек
Куйини хар ерда элга сайрайдир.

Менда-да канот бор, лекин боглангон...
Бог йўқдир, шох йўқдир, калин девор бор.
Сўзлари садафдек, товуши найдек.
Куйим бор. Уни-да деворлар тинглар...

Эркин бошқалардир, камалгон менмен,
Хайвон каторида саналгон менмен.
Апрел 1921 йил, Тошкент.

НАВРЎЗ КУНИДА

Хира, ўчкан, кирлик, кучсиз дилларга
Ёруг ёгду турмуш сепган янги кун,
Сира севинч бермас ўзбек кизига,
Йўкса унга мангуликми кора тун?

Неча юз йил кишанларда энтиккан
Кашшок, йўксил, туткунларга эрк берар,
Ўзбек кизи: "Бошқаларга эрк берган
Менга кани эркинг?.." деса, не деяро?

Кўклардаги дона-дона сочилган
Юлдузларми эзгу кунни олқишлар?
Кимга тегар юлдуз кўздан отилган

Аччик гина, лаънатлару каргишлар?

Гулой, Тўти, Кумри, Ойхон, Ёркинлар
Наврўз куни деворларга карайлар.
Кўчаларда эр-кизлардан окинлар,
Туткунларнинг ёнларига кирмайлар.
Каторларга уларни хам олмайлар,
Туткунларни кишига хам санмайлар...

Туткунларнинг кўз ёшлари бахорнинг
Шудрингидек гўзалликни хўллайлар.
“Гўзалликни севдим ” деган эркинлар,
Кўриб туриб уялмайлар. Ўлмайлар!..

Наврўз куни эрксизларга эрк берар,
Ўзбек кизи эркли кунда бўшолмай,
Зиндон каби тор уйидан чиколмай,
Калин, огир деворларни йиколмай,
Борлигини кенг дунёга отолмай,
Чин эрк кунни кута-кута телмирар...
921 йил, Апрель 27, Тошкент.

4-бўлим: СЕЗГИЛАР

БАРГ

Жонланди, яшарди, кўкарди карашим,
Ўзимда бир турли эркинлик сезамен.
Кўнглимда колмади шу тинда гам-гашим,
Умиднинг ипаклик килини чўзамен.

Шу чоғда, шу боғда хар нарса юмшокдир
Хар нарса кўкарган, хар нарса яшнайдир.
Шу боғда, шу чоғда хар нарса оппоқдир,
Куюш-да нуруни ховучлаб ташлайдир.

Арикда сувларнинг ўйноки кўшиги
Шохларда ухлаган баргларни уйготди.
Айникса, шамолнинг у юмшок шўхлиги
Шохларда баргларни титратди, ўйнатди.

Кип-кизил канотли капалак, йўлида
Учратди чиройли чизанак кизини,
Капалак тикилгач, у кизча кўлида
Ушлаган япрок-ла беркитди юзини.

Олтинли кўнгизни болалар ушлашиб,
Ип билан кўкларга учуриб ўйнайлар.
Куллиқни севмаган йўқсилни кучлашиб,
Нимага ўзининг эркига кўймайлар.

Лабларим шу тунда чанкаган, кизарган.
Кавсарнинг сувидан шароблар истамас.
Фаришта киликли, малика кизлардан
Чанкокни босувчи бир ўпич сўрамас.

Кўклардан малаклар киз бўлиб тушсалар.
Яна мен ўтларни кўйнимга кўймаймен.
Кўйнимга тўлсалар, кўйнимдан тошсалар
Гулларнинг хидлари... Мен сира тўймаймен.

Ўпмаймен шу чоғда фаришта – малакни,
Ўпамен бутокда титраган бир барғни...
1922 йил, Май 12, Бухоро.

НИМА?

Бир-икки яхши сўз айтдинг,
Холимни англаганингми?
Кўзларни кайгили этдинг
Холимга йиглаганингми?

Ўтликлар битдими энди,
Ортик мен сенга яқинми?
Каргишлар битдими энди,
Олдимми эски хаккимни?

Тўйдиргич, коп кора тунлар
Ўпкични олдимиз биздан?
Юргайми ёғдули кунлар
Сен боскан “севгили” издан?

Кўкларнинг олдини тўскан
Зулматлик киши йиқилди?
Бўйнига лолалар оскан
Кўкларми ўрнига келди?

Кўнглимда сирли кокилган
Кўнглумнинг сарпосидурми?
Ў кўкда янглиш отилган
Бир юлдуз куррасидурми?

Бир сўзла, биргина сўзла,
Колдирма шубха кўнгилда!
922 йил, Июн 22, Тошкент.

5-бўлим: СЕВГИ

КИЗАРИШ

Нечун кизарди юзинг кип-кизил анор янглиг,
Дилингда ўйноки бир шарпа ўтдими шошилиш?
Кўзингда кучли хавасларнинг излари колмиш...
Кизармогинг, йўк эса, сирли ипками боглиг?

Кизарганингда лабингдан-да бир тилак учди,
Унинг канотлари кўнглимга гамли ел урди.
Ойимни ул тилагин бирла илгари сурди
Ва кўкда бир тўда алдамчи севгилар кучди...

Нечун, нечун яна кўзларда томчилар ўйнар?
Нечун, нечун бу аламларни кўммадик бирга?
Нечун, уларни ташийликми сўнг кўнук – гўрга?
Нечун юзинг яна сўлгун, нечун узун ўйлар?

Лабингда биргина сўз бор, факат дея олмайсен,
Нечун уни демакка кечмишингми кўймайдир?
Нечун мени кўрганда энди сўзлай олмайсен?
Нечун сенинг карашинг ўйга хеч тўёлмайдир?

Бир оз... бир оз сўзла. Англариб бер сен,
Лабингда мангу ёпик колмасун у биргина сўз.
Гўзал чечакдек очилсун сўнук ва сўлгин юз
Ва мен-да дардингга бир чора, бир шифо топайин.

Лабингда колса у сўзлар яна ўшал кизариш,
Яна кўнглингда хароми ва ўйноки шарпа,
Яна сўниш ва ўчиш... мангу, доимо каргиш,
Битар, кетар шу балолар... лабингга жон кирса!

Нечун юзингда кизил чўг каби ёниш, кизариш?
Ярарми менга-да билмак, нечун, нечун бу иш?
922 йил, Феврал 5, Бухоро (Харбий Хастахона)

КУЛМАК ИСТАДИНГ

Не учун кулмак истадинг, гўзалим?
Йўкса сўлмоқди лабларингнинг иши...

Не учун тишларингнинг беркиниши
Бу йўли битмак истади, малагим?

Сен, ки кулмак билан вужудимни
Баъзида севгига кўтарардинг.
Сўнгра бирдан яна чўкар эрдинг
Эски, беҳуда, кенг хаёлларингга.
Ол кўлимни бир оз-да кўлларингга,
Кўкка беҳуда кўйма дудимни!

Севги – дард, севгувчи-да – бир тентак.
Сен-да тентакдан эътироз этасен.
Кочасен. Ох, факат одош кетасен.
Истагинг борми, ким бориб етасен?
Кайда бўлсанг-да, гирт бўгар севмак,
Севгидан кечмак истасанг, гўзалим,
Ташла, беҳуда ўйдир ул, азалим.

Менга бир кулмак истадинг, малагим.
Кул, ки кулсун кулолмаган тилагим!
922 йил, Январ 4, Бухоро [Харбий Хастахона].

ЗИЯ-ЙИ КАМАР

(Усмонлича)

Камар зиясини докдукче далгали денгизе,
Гелир хаёлиме гечмиш о умр-и ишк-и хевес.
Юзунг зиясини серпдикче бу солук бенгзе
Гўнгул телатуна башлар; факат юзунде кафас.

Гўнгул кафесда теламла уграширкен бен,
Заволли бен гине аваре ишкинг ардиндан
Кошар, гидер. Гине эмели булмаярак
Дўнар, гелир, док'керим катрлер...сефеф гиби ак!

Денгиз мияб-и кебуд иле иште чалканарак
Телатумунда мудавим... бен иште алданарак
Гўнгул телатум иле “ишк гел, бирикма!” дерим,
Ве шўйле ишк-и серабинг элинде жом верир идим.

Денгиз телатуми устунде бир йигин перилер,
Беяз, хафиф сисе бензер зариф телбисле
Камар зиясини ўкшар ве ракс эдер, севинир.
Денгиз кучаги – ўюн бакчаси гулер, ойнар.
Бен иште севгили умудлер ... ве сонг тенеффусле

Нефес алир ве гине рахима гирер, гидерим,
Бу йўлда жанум, хич шубхасиз, феда эдерем....

Камер зиясинин серпер о далгали денгизе
Юзунг зиясини серпер бу сопсолук бенгизе.
922 йил, Феврал 2.

СЕНДАН ЙИРОКДА...

Йироклашдим, узоклашдим бир неча кун сендан,
Хол сўраб кўр мендан,
Нега мунча огир келди бу йироклик менга,
Англатаин сенга!
Чунки сенинг карашингда мен айриликни ўйламай
Кўзларингга тикилдим.
Ўзлигимга, борлигимга бахо кўймай, санламай
Ерга кадар эгилдим.
У кўзларнинг тошкинида балик каби сузганмен.
Айриликни ўйлайми?
Бошка дунё, боска ўйдан богланишни узганмен.
Сенга караб тўяйми?
Мана энди бир нача кун сендан йирок колдим-да,
Кайгуларга кўмилдим,
Айриликда кайгу ичра улишимни олдим-да,
Кўзларингни хўб билдим.
Энди сенга кўнгил дардин буткул очиб берайми?
Истайсанми сен шуни?
Истамасанг, кистамаймен... Олдин сени кўрайми,
Сўнг айтайми мен уни?
Яхши,... энди канотимни ростлайин,
Учиб бориб олдин сени топайин,
Сўнг дардимни очайин.
922 йил, Апрель 11, Тошкент.

КЕТКАНИНГДА

(Клеупатрага)

Кетдингми мангуга ташлаб,
Колдимми кайгуларим-ла?
Хижроннинг куйини бошлаб
Йигловчи чолгувларим-ла?

Севгимдан сўнгги малаклар
Тўп-тўгри кўкками учди?
Кўнглимдан тоза тилаклар

Ёвнингми багрига тушди?

Ортик сен мандан узокда
Кўзларни ўйнатасенми?
Ортик сен бошка булокда
Дилларни кайнатасенми?

Ортик сен ундаги богда,
Ортик мен якками колдим?
Фарёд йўк... барча жахон жим,
Ер ютса яхши шу чоғда!...

Кетдингми сен мени ташлаб?
Колдимми кайгумни бошлаб?
1922 йил.

Гўзал Фаргона

Эй, гўзал Фаргона конли кўйлагингдан айланай,
Таркалиб кетган кора, вахший сочингга боғланай.
Вахший бир ўрмон каби багрингни босмиштир камиш,
Кўзларингда ҳеч кўринмас бир олов, бир ўт ёниш.

Кенг чўзик яйловларинг ёвларга очмиш кўксини,
Бир кора парда босибдир тупрогингнинг устини.
Кўзларинг сўлган, ўлик рухинг билан бокдинг менга,
Кутулишинг юлдузу асло кўринмасми сенга?

Ул баланд зўр тоғларинг нега тўсолмас ёв йўлин?
Йўкмидир ўткур килич кесмакка ёвларнинг кўлин?
Биз бутун ожиз, заиф, багри эзилган сен учун,
Бул кадар конлар тўкилди ул дахидир сен учун.

Йиглама, юртим, агарчи бул кунингда йўк баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ўйнаб колар.

“Гўзал Туркистон”

Гўзал Туркистон, сенга не бўлди?
Сахар вақтида гулларинг сўлди.
Чаманлар барбод, кушлар ҳам фарёд,
Хаммаси махзун. Бўлмасми дил шод?

Билмам не учун кушлар учмас богчаларингда?

Бирлигимизнинг тебранмас тоги,
Умидимизнинг сўнмас чироги.
Бирлаш, эй халким, келгандир чоги,
Безансин энди Туркистон боги.
Кўзгал, халким, етар шунча жабру жафолар!

Ол байрогингни, калбинг уйгонсин,
Куллик, асорат – барчаси ёнсин.
Қур янги давлат, ёвлар ўртансин.
Ўсиб Туркистон, каддин кўтарсин,
Яйраб, яшнаб ўз Ватанинг гул Богларингда!

БУЗИЛГАН ЎЛКАГА

Эй, тоглари кўкларга салом беран зўр ўлка,
Нега сенинг бошингда куюк булут кўланка?
Учмохларнинг кавсаридек покиза,
Садафларнинг донасидек топ-тоза
Салкин сувлар тогдан куйи тушаркан,
Томчилари ёмгир каби учаркан,
Нима учун йиглар каби инграйлар?
Ёв борми, деб тўрт тарафни тинглайлар?
Табиатнинг ўтини йўк ўтида,
Шарак-шарак кайнаб чиккан булоқлар
Хар коронги, кўркинч туннинг бетида
Шифо истаб келмасин дер, кўноклар.
-Бу нега?
Айт менга.
Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилгон,
Устларида на пода бор, на йилки,
Подачилар кайси дорга осилгон?
От кишнаши, кўй маъраши ўрнига
-Ох, йиги,
Бу нега?

Туморчалар хамойиллар такинган,
Далаларда лола барги ёпинган,
Тог-тошларда ўйин килган,
Чопинган
Гўзал кизлар, ёш келинлар каерда?
Жавоб йўкми кўклардан-да, ердан-да,
Хароб бўлган элдан-да.

От минганда, кушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин хаволарни кучгувчи,
От чопганда, учар кушни туткувчи,
Учар кушдай ёш йигитлар каерда?
Тог эгаси – сор бургутлар каерда?

Сенинг каттик сир – багрингни кўп йиллардир эзганлар,
Сен безсанг-да, каргасанг-да, кўкрагингда кезганлар.
Сенинг эркин тупрогингда хеч хаки йўк хўжалар,
Нега сени бир кул каби кизганмасдан янчалар?
Нега сенинг калин товшинг “кет” демайди уларга?
Нега сенинг эркли кўнглинг эрк бермайди кулларга?
Нега тагин танларингда камчиларнинг кулиши?
Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
Нега ёлгиз кон бўлмишдир улушинг?
Нега бунча умидсиздир туришинг?
Нима учун кўзларингда туташгувчи олов йўк?
Нима учун тунларингда бўриларнинг корни тўк?
Нима учун газабингни уйготмайдир огу-ўк?
Нима учун борлигингда бу даража бузгунлик?
Нима учун ўч булути селларини ёгдирмас?
Нима учун куч тангриси бор кучи-ла солдирмас?
Кел, мен сенга кискагина дoston ўкий,
Кулогингга ўтганлардан эртак тўкий.
Кел, кўзингнинг ёшларини суриб олай
Кел, ярали танларингни кўриб олай, тўйиб олай.
Нима учун агдарилган, йикилган
Огир тойнинг захар ўки кўксингда?
Нима учун ёвларингни бир замон
Йўк килгундай темирли ўч йўк сенда?
Эй, хар турли кулликларни сигдирмаган хур ўлка,
Нега сенинг бўгизингни бўғиб турар кўланка?
Андижон, 1921 йил

АМАЛНИНГ ЎЛИМИ

Кўнглимда йиглаган малаклар кимлар?
Шаркнинг оналари, жувонларими?
Каршимда инграган бу жонлар кимлар?
Куллар ўлкасининг инсонларими?

На учун уларнинг товушларинда
Ўтган асрларнинг оханги йиглар?
На учун ёзмишнинг ўйнашларинда
Хар юриш кўнглимни ништардек тиглар?

Кенглик хаёллари учдими кўкка,
Бутун умидларни ёвларми кўмди?
Мангу туткунликка кирдими ўлка,
Хаёлда порлаган шамларми сўлди?

Кечанинг жон олгич коронгилиги,
Хаёт юлдузини хаёлми билди?
Шунча туткунларнинг хаки, хаклиги
Бир ховуч тупрокка курбонми бўлди?

Охимнинг ўтидан чиккан шуълалар
Шаркнинг кўкрагида бир жой топмасми?
Кўксимдан кисилиб чиккан наъралар
Ухлаган дилларга силжиб окмасми?

Хар кеча кўкларда ўйнаган юлдуз
Айтар эди менга: “Эрклик юлдузи -
Туткин еллар учун само кундузи.”
Кўнгилда колгуси унинг бир изи”.

У бир из кўзимнинг нурларидан хам
Юксакдир. Мен уни ўпмак истаймен,
Агар топилмаса, бу юртлардан хам
Кўчиб йирокларга кетмок истаймен.

Йиглаган, инграган амал кизими?
Кўкдаги юлдузлар унинг изими?
1921 йил.

ЁНГИН

Таланмаган, йикилмаган ер йўк.
Гўдаклар найза бошида...

(Хабар.)

Нега менинг кулогимда тун ва кун
Бойкушларнинг шумли товши бакирар?
Нега меним борлигимга хар ўюн
Ва хар кулги огу сепар, ўт кўяр?

Кўнглим каби йикик уйлар, кишлоклар,
Бойкушларга бузук кўксин очганми?
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар
Юртни ташлаб, тоғ ва тошга кочканми?

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,
Йикилмаган, таланмаган уй йўкми?
Бир кўз йўкми конли ёши томмаган,
Бутун кўнгил умидсизми, синикми?

Подаларнинг яйловида бўрилар
Конга тўйгач, увлайдиларми кўплашиб,
Йикиклардан ўлкаларни тўплашиб,
Ўтми кўяр алвастилар, парилар?

Табиатнинг бутун ёмон томони
Шу ўлкага факат жилва килдими?
Мўминларнинг ок виждони, имони
Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?

Киличларнинг тилларида кизил кон,
Булокларнинг суви янглиг тошдими?
Яланг бола, яланг гўдак – маъсум жон
Найзаларнинг бошларидан ошдими?

Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими?
“Маданият” истагига қондими?
1921 йил.

1

ТЎФОН

(Анадўли Кишлогининг Музаффар Ўрдаларига)

Эй Инону, эй Сақария, эй истиклол эрлари,
Миллий Мисак олинганча тўхталмасдан илгари!

Биламиз, ким жаннат каби тупрогингиз ёвларнинг
Гўдакларни ястагучи оёқлари остида.
Биламиз, ким товушингиз хаксиз чиккан давларнинг,
Инсофсизча шовкинларнинг, хурушларнинг пастида.

Биламиз, ким “маданият” бешигида ўлтурган
Жаллодларнинг бутун таъма ва хислари сизларда.
Биламиз, ким “озодлик” деб шовкин килган, бакирган
Бўриларнинг оч кўзлари, олтин тўла ерларда.

Биламиз, ким унлар сизни яшамокка кўймайлар,
Биламиз, ким конингизни томчи-томчи ичалар,
Биламиз, ким унлар сира ювош халкни севмайлар,

Биламиз, ким тупрок учун инсонликдан кечалар.

Биламиз, ким сиз йўксуллар сўнг чоғда
Шундай ёмон душманларнинг кўлида
Мангу асир, мангу туткун бўлишни
Истамасдан кўлга яроғ олдингиз.

Биламиз, ким катор-катор кишлоклар
Синасига нон тўлдирган тупроклар,
Ўт ичинда, шунинг учун ўлишни
Ортик кўруб, жонни ўтка солдингиз.
Жонни конга –ўкка ўтка солдингиз.
Факат бу кун тотли бир ўч олдингиз,
Яна бир кўр тарихларда колдингиз!

Эй истиклол, эй Сакаррия, эй Инону эрлари,
Юр, мазлумлар тўфонининг ўч олгучи селлари!

ГЕЛИЁРСУНГ!

(Шарк Курултойи вакилларига)

Йўлдош Файзулла Сайидга армугоним.

Гелиёрсунг дағ, тепелер ашарак,
Гелиёрсунг су, денгизлер гечерек,
Гелиёрсунг амалине-кошарак,
Гелиёрсунг ўз ёлинги сечерек.

Чокдан бери сўнмиш олан гунешинг
Тепелерин енг башиндан гўрунди,
Чокдан бери юз дўндурмиш мехвешинг
Эмелингинг нурларина бурунди.

Хер сафхаси алчалмани язарак,
Сенинг учун кан аглаян тарихинг,
У ёллари хаялиле бозарак
Язмададир парлайишин ярнинг.
“Шарк гўзели” дейе гарби яндиран
Кара сачли, кара гўзли у сенинг
Гўзел кизинг, ўлумлери андиран
Чехресиле аглиёрду: Бен онунг
Гоз яшлари арасинда батиёр,

Богулуёр ўлуёрдум... Гелмиёр
Гелмиёрди имдадима хеч киши
Кесилмишди санки жахан нефеси.

Даг, тепелер, ашип евет сен гелдинг
Бен де шимди алиёрум генг нефес;
Сен де затен рухен эсир дегилдинг,
Ялгиз сенинг вужудуну кисарди
Алчак гарбинг гейдирдиги дар кафес...
Вужудунга пек дарди.

Гелиёрсун даг, тепелер ашарак,
Гелиёрсун чўл, сахролар гечерек
Беклиёрум бен де хаят ичерек,
Йулларина гул лалелер сачарак,
Кучагими ачарак!
Хараретли, селамими кабул эт
Хурметими бутун Шарка такдим эт!

ЯШАЙИШ

Огир-огир ва факат кайгидан йирок уйку,
Нечун узокларга кочдинг, ки кўп ямандир бу!

Кўзум очилди, биров кўрмадим гўзалликни,
Кўнгулда ёш ила кўрдим бутун тубанликни...
Йўк эрмас эрди гўзаллик билан чиройлилик,
Факат улар тубида жилваланди хайвонлик...
Кулиб қарар эди дунёси гоҳ-гоҳлари
Факат кулушлар ичинда, фиғон ва охлари!

Нечун очилди кўзим, кайга кетди уйқуларим?
Бу уйғонишда тўлиб тошди кайғуларим...

ЁТОКДАН...

Огрик олди, кайғу олди, зор олди,
Сўнук кўзли, бағри эзик ёр колди.

Кайда колди Мулла Бозор – девона,
Кулогимга ўқир эди афсона:
Эзгу жойга ок от билан кирган(и)ни,

Дил каъбасин ўклар билан бузган(и) ни...

Йиқиклардан, кабрлардан товушлар;
Ўлукларнинг саломини ўқийлар.
Борлигимни кўркинч ўтлар ховучлар,
Хонакоҳлар фано тўри тўқийлар.

Сирли сирдан килдай бўлсин хабар йўк,
Йўкса ул-да* ўтганлардек сўндими?
Ок деб, пок деб юрганларда дил бузук,
Йўкса фано майсалари ундими?

Алам олди, фирок олди, кон олди,
Амал колди... Кўзи ёшли жон колди.
1922 йил, Январ 21, Бухоро [Харбий Хастахона].

ЭРКИНЛИК ИСТАГИ

Эркин кўнглим чидай олмас бу сикик,
Бу боғланган, бу “эғалик” турмушда.
Агар шундай кета берса, бу аник,
Тилак учун кила олмас бир иш-да!

Шунча чоклар чидаб келган кўнглимга
Бу кунгина ўз чизиги тор келди.
Гўё унинг кўл тегмаган бўйнига
Ип боғланиб, жуда каттик тортилди.

Ул интилиб, ул уриниб ётадур,
Тор кафасдан куткаргали ўзини.
Теваракка аччик қаргиш отадир,
Билмадим, ким кон босганми кўзини?

Бундан бурун ул кўп огир тинларни
Чидам билан, тинчлик билан ўткарди.
Қаршисида авраб турган жинларни**
Кўра туриб қурамади, кеткарди,

Шунинг учун тубанларнинг тубани
Ёвуз, бузук кишилар ҳам эркинча
Таларларди, эмарларди-да уни
Сўқарларди орқасидан хар кеча.

Ул қандай тор, қандай сикик ерларда
Қандай бузук чизикларда бўлмади?
Ул қандай хор***, қандай тубан ерларда

Килини хам кимирлатмай турмади?

Энди ул-да тор чизикдан безгандир,
Кайтиб унга киришликни истамас,
У маъносиз “эгалликлар” эзгандир,
Улар билан бир тин бўлсин туролмас.

Ул эркинлик, ўзбошлилик истайдир,
Кетга караб – ўлим бўлсун – кетмайдир.
1922 йил.

МАСТЛИКДА

Х...га.

Май бу кун шишадан тошиб чикмишдир,
Унинг бир томчиси ерга тушмасун.
Уни хаёлимиз амал демишдир,
Амаллар мажлисдан четка кўчмасун.

Майлар шишаларда кўшуклар айтиб,
Бизнинг ийдимизни кутлаб турадир.
Майнинг кўпуклари минг катла кайтиб,
Мажлис лаззатини сўзлаб турадир.

Майнинг атрофинда эски ўртоклар,
Йигилиб ўлтуриб, сухбат килалар,
Мажлис шодлигини кўруб оппоқлар”
Хурмат юзасидан салом бералар.

Майнинг кўпуклари туткун ўглини,
Кайгу чокларида юпатиб турсун,
Мастликда ўрганиб ўнг ва сўлини
Ўксук болалари у йўлдан юрсун.

Майнинг кўпуклари кўзнинг кораси,
Мастлар ўлсалар-да “эслик” килгуси.

КИЛИЧ ва КОН

Киличим кинда колмасин, чиксин,
Тигига тилларим томизсин кон,
Амалим конли тигим ўпсун,
Колмасин конни севмаган бир жон.

КИЗЛАРНИНГ ДАФТАРИГА

Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар... факат алданма унларга,
Ки кизганмас, кўнгул кўймас сенингдек ок кўнгулларга!

КЎКЛАМ КАЙГУСИ

Эй коронги, узун кишнинг хаёли
Кўклам чоги кўзларимда ўйнама!
Айриликнинг чидаб бўлмас малоли
Кўкат, майса юзларида кайнама!

Бироз... бироз кўнгил берай кўкламда
Шафтолининг гўзал, кизил юзига.
Бироз... бироз алданайин кўнглимда
Бош чиқарган йигитликнинг сўзига.

Каршимдаги кулиб турган юмшок киз,
Кўмкўк майса ўртасида бир гулдир.
Кўп йигладим... ёшларимни катор чиз
Ва каршимда гўзал кизни бир кулдир!

Кўклам чоги ... сайрок булбул сайрамас,
Не учун, ким тамбуримнинг тили йўк.
У гўзал киз чин қараш-ла қарамас,
Не учун, ким умидимнинг йўли йўк.

Тилларимда ҳар кўкламнинг кўшиги,
Юрагимда ҳар гўзалнинг севгиси,
Кўзларимда ҳар кайгидан бир йигИ,
Юзларимда алданишнинг белгиси...

Ёлғиз менми кўклам чоги йиглаган?
Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?
Ёлғиз менми кўкрагини тиглаган?
Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?

Эй кўкламнинг кўз тортгучи келини,
Нима учун йиглатасен бир мени?..

БИНАФША

Ёз кайгуси.

Бинафша сенмисен, бинафша сенми,
Кўчада окчага сотилган.
Бинафша менменми, бинафша менми,
Севгингга, кайгунгга тutilган?

Бинафша, нимага бир озрок очилмай,
Бир эркин кулмасдан узилдинг?
Бинафша, нимага хидларинг сочилмай,
Ерларга эгилдинг, чўзилдинг?

Бинафша,
Айт менга,
Кимлардир улар, ким
Игналар багрингга санчалар?
Бинафша,
Бир сўйла,
У кандай кўллар, ким
Узалар, хидлайлар, янчарлар?
Бинафша, шунчалар чиройли юзинг бор,
Нимага узокрок кулмайсен?
Бинафша, шунчалар тортгувчи тусинг бор,
Кўнглимга эркинлик тўкмайсен?

Бинафша, йиглама, бинафша, кел бери,
Кайгингни кайгумга кўшгил,
Бинафша, сенингчун кўкрагим: эрк ери,
Бу ердан кўкларга учгил!

Бинафша, гўзалим, кайгилим келмайсен,
Кайгинг зўр, кайгимни билмайсен,
Менга бир кулмайсен!..
1922 йил.

3-бўлум: СЕВГИ ТУН

Эркин шеър

Тун ёмон, тун коронги,
Тун кўркинч, тун азоб!
Тунда эски ва янги

Хар нарса хаёл ва сароб!

Туннинг узунлиги,
Чукурлиги кўп ёмон.
Туннинг бузуклиги,
Ёлғизлиги беомон!

Тунда хар нарсанинг товуши
Йирокдан гувиллаб келар,
Тунда кўп чоғлар юзимга
Жинларнинг кўллари урилар.

Ох, туннинг калин пардаси
Кандай гуноҳларни яширмас,
Ох, туннинг товушсиз наъраси
Хеч жонни кўрkitмай колмас.

Туннинг яширин кучокларида
Ўлимлар, конлар тўлгандир!
Унинг алдамчи богларида
Канча ёш гуллар сўлгандир!

Тинчланиб ўлтуриб юлдуздан
Эртақлар эшитмак бўлсам,
Ё ўзим истаб топкан киздан
Бир караш, бир кўриш сўрасам,

Хар ердан канча товушлар
Девлардек наъра солурлар.
Теграмда найза-киличлар
Жонимга хамла килурлар.

Салкин сув кони булоклар
Кундузлар чанкаганимда
Шир-ширлаб кўнглимни йўқлар.
Мен дарров олмаганимда,
Баттарок кайнаб окарди.
Бир хўплаб шунда мен ичсам,
Кайфимга канча ёкарди?
Истардим, кўйнига кочсам!
Ох, тунда огу бўлар хар
Манбадан томчи сув ичсам,
Ох, тунда нозли булоклар
Кўнглимга таркаталар гам.

Бу тунда севгили ёрим,

Колдингми мендан узокда?
Билмайсен, огрикли багрим
Кон йиглар тунда, бу ёкда.

Бу тун ким сирли, коронги,
Йўлларда шарпа-да йўқдир.
Кўнглимда тўп-тўла кайги,
Ох, йўллар канча узокдир.

Кел, энди ташлама, кўйма
Бу туннинг кўйнида ёлғиз.
Хижронни бошима ёйма,
Эй, тундек сочи кора киз!
1922 йил

НИМАНИНГ ХИДИ

Билмаймен бу хидлар ниманинг хиди?
Рухим хидлаш билан англаган эди!..

Мевжуд жаннатларнинг энг гўзалида,
Энг гўзал малика атирлар сочди,
Кўкларнинг энг нозли, ўйнок париси
Атир кутисининг огзини очди.

Кўнгилни мулойим китиклагучи,
Ўзида хар турли сир саклагучи,
Бу хиддир, ким хорган, чарчаган дилга
Янги умид, тоза кувват бергучи...
Мухаббат булбули берилди тилга!
Узулиб-узулиб тиглаган кўнгил,
Азалдан юмшоклик кўрмаган кўнгил,
Гуллик бокчаларда юрмаган кўнгил,
Ўзини гулларга урмаган кўнгил
Азал малагидан бир хид хидлади,
Эсриди, йиқилди, ўзи билмади...

Хидсиз тилакларнинг тотли умиди
Сонсиз хавасларни кўнглимга солди,
Оппок маликанинг таркатган хиди,
Танимни, жонимни, рухимни олди!

Эй тотли хаваслар сўнгучи хидни
Рухим хидлаш билан англаган эди!..

ИШК ЙЎЛИ

(Эркин шеър)

Сабрнинг косаси тўлгандир,
Бу огир айрилиқ тўйдирган,
Ох, канча азоблар* бўлгандир,
Гўзалим, хабаринг бўлмаган!

Оч ахир, очгил, ким кўксингни;
Бир нафас ўзимни унутай.
Унутмок бутунлай “ўзлик”ни,
Ох, шундан нажотни мен топай.

Кечалар... кечалар, ох сонсиз ва ойсиз.
Бир кеча менга худди бир йилдир.
Кайтариб айталар: Кечалар – рўёсиз,
Олдинда... “Кўп огир бир йўлдир!

Эй дарвеш, бу йўлда биргина йўлчи,
Кетавер, бир куни сўнгига етарсен!..”

КЕТ!

Кет, кўзимни алдагувчи хоин нур,
Кет, оловли чизигимдан нари юр.

Кет, захарли кизгалдокни иргитма.
Кўнглимдаги сўнг умидни йўқ этма.
Кет, илохий виждонимни булгама.
Бутлар билан тегарамни чулгама.
Кет эй, тўккиз пари кўзли* кора куш,
Йикик бўлган кўкрагимдан четда уч!
Кет, севгимнинг улуг ёви, кўринма,
Лаънат сочиб, ёнларимда юринма.

Эски дўстлар йўл адашиб ўлдилар.
Янги дўстлар бунинг учун кулдилар.
Янги йўлга оёқ босмай тўхтасам,
Бу йўлларда кутулишлик йўқ десам,
Сен ул чокда кайси йўлга солардинг,
Фалокатдан қандай тортиб олардинг?

Сенинг кўпол..., кийнагувчи килигинг,
Кет, мангулик йўкка кўчсин борлигинг.
Кет, малаклар достонини ўкима,
Кет, аслсиз эртақларни тўкима.
Кет, севгили кўкрагимга тинчлик бер,
Кет, сенинг-чун кучок очган кора ер..
Кет, жонимни кийнагувчи жоду-хур,
Кет, кўнглимни алдагувчи ёлгон нур!
1922 йил.

АЛДАНИШ

(Разочарование)

Беш йиллик ёнишим бир йил учунми?
Эркалаб ўтқувчи бир ел учунми?

Кўзимга кўринган саробми эди?
Мен шунга алданиб тоғларми ошдим?
Севгимнинг бокчаси харобми эди?
Шу бокча ичида йўлми адашдим?

Кўзимни ўраган киприкми эди
Ёки кўк тусида пардами эди?
Кўнгил шу чоккача тирикми эди?
Жоним кўклардами, тандами эди?

Кўлимни тегиздим.... Одам эди-ку!
Кўзимда ўйнаган бир нур эди-ку!
Сезгим-да соғ, тетик, бардам эди-ку!
Бўйнимга кўл солган бир хур эди-ку!

Нега мен севмадим? Ўт эмасмиди?
Шул ўт ичидаги мен эмасмидим?
Каъбамга осилган бут эмасмиди?
Бутни “Тангри” деган мен эмасмидим?

Мен уни хаёлий, тотли бир севиш,
Илохий бир мухаббат, ишк билан севдим.
Беш йил! Шунинг учун беш йил англайиш...
Ёниш, куйинишларим... ох, энди билдим.

Ох, энди билдим, ким барчаси хаёл,
Барчаси бир тотли, рохат туш экан.

Кет, йўкол кўзимдан, хакикат, йўкол,
Бағримга ботмоқда огули тикан.

Чиндан-да мен у кун ёлғизми колдим,
Чиндан-да у ўтли севги битдими?
Чиндан-да турмушдан огизми олдим?
Чиндан-да умидим буткул кетдими?

Чиндан-да кўнглимда севги ўтлари
Чўгсиз ўчиб колган шамдек ўчдими?
Чиндан-да каъбамнинг санам, бутлари
Кул-парча бўлдим, буткул кўчдими?

Чиндан-да мен букун севмасми бўлдим?
Чиндан-да мухаббат ўтими сўнди?
Чиндан-да мен букун тиканми юлдим?*

Кўнглим бу алданишга, ох, кандай кўнди?

Севгимнинг яшаши бир йилми эди?
“Гув” этиб ўтгувчи бир елми эди?
1922 йил.

ИШК

(Усмонлича)

Илк эввел гўзими ишк ила очдим. ,
Ишкинг мейданина каними сачдим.
Ишксиз ўлкалерден у энди кочдим,
Не замон богладим зунноре ишки.

Ишк дея айрилдим диндан, имандан,
Англамам ҳеч бир жой инсоф, виждондан.
Ишка сажда этдим, бўлдим у ондан,
Не замон катл этдим куффор-и ишки.

Жаннат беним учун курук сахродир,
Ишкнинг сахроси, ким банга маъводир.
Аксини сен банга не кадар кондир.
Конмам, чунки билдим гулзор-и ишки.

Ишкинг мейдонинда бир пехливаним,
Бир махшар кўпарур хар дамда коним,
На буюк беним, бак, ишкка имоним,
Ера диз чўтирдим жаббар-и ишк.

Бен ишкинг мулкига ягона хокон,
Банга бўйин эгар бил жумла-и султон.
Инанир* ўрдума шуйла бир боккан,
Кўр нижа саф биста ашкор ишки.

Сўйларкан дилларим на ёмон,
Ёзаркан каламим на хазин аглар,
Соддадил бунлардан на маъни англар,
Билмас куч ўлдуги исхор-и ишки.
1922 йил.

БИТДИ!

Бер кўлингни, шу титраган кўлим билан сўнг дафъа
Бир кисайин, сўнгра ортик у кўлларга тегмак йўк.
Кўзларингни сўнгни марта тушур хира кўзимга,
Кўкрагимга кирпичларинг сўнг мартаба отсин ўк.

Кўкимизда хануз учмай караб турган юлдузнинг
Кўр юзини, айрилиқнинг кўзи билан саргайган...
Сен кетасен, юлдуз учар, ёлғизликда ташланган
Ўсугингга хаёт бермас ёгдулари кундузнинг.

Бер кўлингни сўнг мартаба, ёлғиз колган ўксукка,
От ўкингни сўнг мартаба, алам кутган кўксимга!..
1922 йил.

4-бўлум: КОРА ЙЎЛЛАР

МАХМУД ХЎЖА (Бехбудий) ХОТИРАСИ

Жилгисиз кабрингни кора тунларда
Амалимнинг шамин ёкиб, изладим.
Кизил ва пок конинг исларин сочгач,
Кучсиз кўйи юришимни тезладим.

Амалимнинг юлдузи, ким кўз тикди
Кора, жирканч... ўлим кони ерларга.
Савол бердим: “Йўкотганим кайда?”- деб,
Ўзимни ҳам ютмок бўлган ерларга.

Кўлидаги тутам-тутам гулини
Кабринг топиб, сочмок учун тиришди.
Гул ўрнига захар тилар мухитда

Унинг килган бу ишлари бўш ишди.

Мен-да ожиз – у мухитнинг олдида
Кабринг топиб кўз ёшимни тўкмакка.
Хамда аччик хиддатим-ла ул ерда
Ок каллалик-кора девни сўкмакка.

Шунинг учун юлдуз каби яркираб,
Элда колган исминг билан турамен.
Шул исмни эслаб, чизган йўлингдан
Йирок кетмай, кимирламай юрамен.

Азиз отам, кўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканини билмайсен.
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин,
Ер остида, пок рухинг-ла сезмайсен.

Ана сочдим калбимдаги гулларни
Термак учун чакирамен кўлларни..
1920 йил.

КЕТДИНГ!

Мархум Рахматулла Султоновга.

Йўлдошим, замзама бўлдинг-да, кетдинг,
Бор эдинг, йўколдинг, ўлдинг-да, кетдинг,
Гул эдинг,, очилмай сўлдинг-да, кетдинг,
Йўклик денгизига тўлдинг-да, кетдинг.

Кичкириб оркангдан югурдим, чопдим,
Гариблар мазорин истадим, топдим.
Кўрай деб сўнг чоғда телмуриб бокдим.
Сен эсанг юзингни бурдинг-да, кетдинг.

Элингнинг тилаги етимми колди,
Бошига кайгини ўлимми солди?
Жонингни тангриси севибми олди?
Айтмадинг, огзингни юмдинг-да, кетдинг.

Бокчанга ёш кўллар экалар гуллар,
Очилмок истайлар лола, сумбуллар,
Фирок куйларини куйлар булбуллар,
Сен бўлса, йўкликка урдинг-да, кетдинг,

Кўкармай, яшармай курдинг-да, кетдинг.

Китъа

ЎЛИМДАН КУЧЛИ

-Ўлим, сендан кучли бошка куч борми?
Тарафингдан бир мархамат бўлганми?
-Мендан кучли, мендан кувватлилар бор:
Мана, мендан ҳеч кўркмайдилар одамлар.

УЛУГ ЙЎЛОВЧИГА

А.М. рухига:
“Дунёга ишлар учунгина келганмен.”

(Ўз сўзи)

Бокчаларда гуллар сўлди, сезмадим,
Ўстирганлар етим бўлди, сезмадим,
Кўнгилларга кора толди, сезмадим,
Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан...

Кетган йўлинг йирок йўлдир, кети йўк,
Бошланиши курук ва кенг бир бўшлик.
Тугалиши: яна чексиз бир йўклик,
Бирок кайтмок йўқдир тушкан йўлингдан...

Кетдинг, бироқ изларингда кўз колди,
Тилларингда айтилмаган сўз колди,
Ўксиз бўлиб, ётлар эмас, “ўз” колди,
Чукур маъно истаб эски сўзингдан.
1921 йил.

5-бўлум: КОР КЎЙНИДА

ЯНА КОР

Яна кор! Ок кафан ўралди яна,
Яна кўк кўйди ерга парларини.

Карганинг тиллари бурилди яна,
Яна киш чорлади нафарларини...*

Коп-кора дев каби булут йигини
Коплаб олди яна куёш юзини.
Ёткизиб ёз ботир “енгиш туг”ини**,
Уйкудан очмади сира кўзини.

Кутдилар ёз кизи – бахор ойининг
Янги кунда*** ясалгуси тўйини.
Ёз каби турли гулга кўп бойнинг
Дедилар: “Болгуси чечак ойини,”

Кариган киш бобой чидолмасдан,
Тўй кутилганда килди бир боскин.
Нега эргашди унга корли бўрон?
Кўп кўпол эрди, асти ул озгин.

Бир факат каргалар кор устида,
Коглашиб киш бобойни олкайлар.
Тўнгдиргувчи захар совук тунда
Бева-бечоралар ёмонлайлар.

Хар етим кўзда томчи-томчи захар,
Хар факир уйида инглайиш ва йиги.
Хар сариг юзида сўнги шуъла сўнар,
Хар томон, хар тарафда бир кайги...

Яна киш... Кор кафан ёпилди яна,
Каргага тўй... Ўйин топилди яна.

ОППОК ОЙ

Кучогингда калтираймен, титраймен
Ортик сендан безди кўнглим оппок ой.
Йўлни очсанг, энди бундан кетамен,
Кўклам якин келган дейлар – бир карай!

Кўкдан тушкан енгил, оппок парлардан
Кудрат кўли сенга кўйлак тўкийдир.
Учиб келиб узок-якин ерлардан
Бир тўп карга мадхиянгни ўкийдир.

“Кўклам якин!” деган сўзни эшитиб,

Кўзларингга замхарирдек ёш келди.
У ёшларинг жам бўлишиб, уюшиб,
Осилдилар... бўйнинг ерга эгилди.

Ховуз юзи икки қарич муз бўлган,
Ёш болалар тийганишиб ўйнайлар.
Ушуб, тўнгиб масжиддаги чол ўлган,
Етим қолган болалари йиглайлар.

Жар кишлокнинг йўлида ҳам шаҳарга
Қаймоқ ва сут келтирувчи бир бола
Тўнгиб ўлган, ҳар кун эрта сахарда
Шундай қилиб бир неча жон йўқола.

Қучогингда жуда совук, оппок ой,
Қўқлам келсин, бир севинай, бир ўйнай.
1922 йил.

ТОНГ СИРЛАРИ

КЎНГИЛ

Кўнгил, сен мунчалар нега
Қишанлар бирла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен мунча сустлашдинг?

Ҳақорат дилни огритмас,
Тубанлик мангу кетмасми?
Қишанлар парчаланмасми?
Қиличлар энди синмасми?

Тириксен, ўлмагансен,
Сен-да одам, сен-да инсонсен.
Қишан қийма,
Бўйин эгма,
Қи сен ҳам хур тугилгонсен!
Тошкент, 1922 йил, Август 7.

БАС ЭНДИ

Етар, бас, чекдан ошкандир
Бу каргиш, бу хакоратлар!
Тўлигдир, балки тошкандир
Тубанлик хам сафолатлар!

Кўлимда сўнгги тош колди,
Кўнгилда сўнгги интилмак,
Кўзимда сўнгги ёш колди,
Кучимда сўнгги талпинмак!

Бу каргиш, бу хакоратлар
Кучимни тортмоқ истайлар,
Тубанлик хам сафолатлар
Ўзимни ютмоқ истайлар!

Кўнгилда сўнгги интилмак
Шу холда кетмак истармен.
Кучимда сўнгги талпинмак,
Амалга етмак истармен!

Кўлимда сўнгги тош колди,
Ёвимга отмоқ истармен!
Кўзимда сўнгги ёш колди,
Амалга етмак истармен!..
Феврал 1923 йил, Тошкент.

КЛЕУПАТРА УЙКУСИ

“Клеупатра” – Нилнинг бўйида
Ўз кўли бирлан нилуфар узди.
Гўзал чечакни, ёзуксиз гулни
Ишдан чикарди, турмушин бузди.

Бир тўплам килди, бир ипак бирлан
Бошига осиб, уйкуга кетди.
Ул ухлаганда бутун Мисрда,
Бутун ўлкада уйгоклик битди...

Жим тур, фаришта, канотинг кокма,
Фиръавннинг кизи тинчлаб ухласин!
Унинг юзидан, гўзаллигидан
Ошикнинг кўнгли бир ором олсин!

Унинг ётиши – Куннинг ботиши!

Коронгиликда юлдузлар ўйнар.
Бутун ошиқлар, кўнгли ёнуклар
Гўзал ўйларни шул чокда ўйлар.

Тубан караб юр, Нилнинг сувин кўр:
Кандай чиройли, лимиллаб окар.
Фиръавн кизидай, илон изидай
Буралиб окар, кимирлаб окар...

“Клеупатра” уйгонди нега?
Нега ул чоғсиз уйкусин очди?
Унинг кўзидан, гўзал юзидан
Уйку, кизиллик, тўликлик кочди?

Ана, кўлини гулга узатди,
Бок, ипни узди... гуллар кўлида!
Ож... гижим килди, ерга ташлади!,
Кўп йўксил гуллар курбон йўлида..

-Нега ташлади?
-Гул сўлган эди...
Шунинг-чун золим ерга ташлади!
Ўзини кўр бир: маст илон янглиг
Жойида ётиб, тўлгоқ бошлади.

Бор, эй йигит сен, Нилнинг бўйидан
Золим киз учун* нилуфар келтир!
Золим кизини бу сирли кечда
Кўп урунтир, тезроқ тинчлантир.

Бир тўплам гулни бошига осса,
Яна уйкуга очар кучогин.
Йўкса бу золим ҳеч боса олмас
Юрагидаги севмаслик догин,..

Кўй, сен кўзгалма... менинг кўксимда
Кўз ёшим бирлан ўскан чечак бор.
Шуни берармен, бир хидлаш бирлан
Севгига ботиб, бир умр ухлар!..
Бухоро, 1921, Август 17.

МЕН ШОИРМИ?

(Таржимаи холимга)

Хаёлим бир учиб, кетиб коладир,
Мен хам тизгинини кўйиб берамен.
Зотан, кандок килиб тутиб турамен?!
Энг нозик килимга тегиб коладир.

Учадир... учадир... минг кабат кўкни,
Бир бошдан сийпалаб ўта берадир.
Зерикмай, эринмай кета берадир,
Баъзан ховликтириб жинни юракни...

Кўланка кабидир, ўткан еридан
Сўнгра карасангиз, бир нишон колмас,
Юрган ерларидан озик хам олмас,
Шунда зерикамен унинг сайридан...

Бир замон бир ширин жойга етканда,
Нарига ўтмасдан тўхтаб коладир,
Ошиқдек ястаниб, ётиб оладир...
Шу чокда кийналиш бошланар мена.

Чунки хаёлимнинг кўзлари булан
Бир гўзал холатни кўриб турамен,
Лаззатга гарк бўлиб, ўлиб турамен
У холни борликнинг сўзлари билан

Англатиш кўлимдан келмай коладир,
Шул чокда тилларим калдираб кетиб,
Борлигим йўкликка гилдираб кетиб
Демак, ки “Бошкалар билмай коладир.”

Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим,
Ўхшаш нусха билан ёзиб берардим.
Шу ожиз холимда шоирменми мен?!”

Шоирлик менда бир соями деймен,
Хар бир тушунчамни ёза олмагач,
Рассомдек хаёлни чиза олмагач,
Хакир борлигимга кўп афсус еймен...

Хаёлим юксакдан тушиб кетадир,
Шоирлик чанг бўлиб, учиб кетадир...
Кўкон, 1923, Декабр 1.

СОЗИМ

Нафрат ўлкасидан хижрат килганмен,
Улфат диёрига маскан курганмен.
Юзимни ўт эмас, гулга бурганмен,
Самовий завкларга тўлиб турганмен
Булбуллар севгини мактаган дамда!

Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,
Бўгинлар унгуси ўйлашларимдан,
Калблар юмшагуси сайрашларимдан,
Севги чаманида яйрашларимдан
Жаннатлар яратгай ташланган жанда.

Тилинган тилларга кон югургуси,
Бўшалган инларга жонлар киргуси,
Тиканли бокчалар чечак кўргуси,
Хак йўли, албатта, бир ўтилгуси
Жандалар танимга теккан кунларда!..
Ош, 1924. Август 14.

КЎЗГАЛИШ

Эй! Сен мени хакир кўрган, тубан деган афанди!
Эй! Устимда бир умрга хўжа бўлмок истаган,
Эй! Бўйнимга кишан солиб, халокатка судраган,
Кўзларингни захарлатиб ўйнатмагил, бас энди!

Кишанларинг занг босгандир, сергак бўл, ким узилур,
Томиримда кўзгалишнинг вахший кони кўпурди.
Эски фикр, анъаналар энди буткул узилди,
Ё битармен, ёки сенинг салтанатинг бузилур!

Эй! Сен мени кул ўрнида ишлатгувчи афанди,
Титра, кўрк, ким боглик кулинг бош кўтарган куч энди!
Тошкент, 1922, Июл 15.

ДАМЛАР

Дам бўлар, ки калбим тонгнинг шамоли
Каршисида калтираган япрокдек -
Аста-секин титраб кетар... мен ҳам тек,
Жим коламен унга кулок солгали,
Бутун эсим, сезгим билан толгали...

Баъзан хаёл этагини туткизмас.
Ёт ерларда ўз бошича йўк бўлур.
Шунда эс ҳам калб тилига тушунмас,

Боши котар, кўполланур, тўнганур.

Шунда бирдан гайбдан товуш: “Эй шоир,
Курук колдинг саодатли дамдан!” дер,
“дамдан!” дер...

Андижон, 1923, Декабр 14.

КИШАН

Кишан, гавдамдаги излар букун хам биткани йўқдир!
Темир бармоқларингнинг доги буткул кеткани йўқдир!

На мудхиш, на совук манхус, кизганмас кучогинг бор!
Башар тарихининг хар сахфасида конли догинг бор!

Юмилмас кўзларингнинг хар бири бир элни кахр айлар,
Факат бир борлигингдир, ким бутун борликни захр айлар!

Кулф бирлан сенинг эркинда кўп йиллар колиб кетдим...
Факат хар тебранишдан кутулишликни умид этдим.

Кишан, гавдамдаги догинг хануз хам биткани йўқдир,
Факат буткул кутулмокка умидим энди ортикдир!..
Тошкент, 1922, Сентябрь 15.

БАХОР ва МЕН

Бахор келди... лекин унинг даврида
Кетиб колди бахорларнинг султони.
Умид унди ракибимнинг багрида,
Ортиб кетди келгусига имони.

Бахор чоги... ракибларим кетарлар,
Лекин меним хасратларим кетмайлар.
Бу ракиблар мени маълул эталар,
Фигонларим султонимга етмайлар!..
Кўкон, 1924. Март 18.

ГУЛСАРА

Термак истаб бир-икки даста чечак,
Гулсара чикди кўшни бокчасига.
Илашиб бир “тикан-шоҳ” оркасига,
Йиртилиб колди шунда шохи этак...

Гулни бермакчи бўлди севганига;

Севиниб, ховликиб, шошиб келди.
“Мана, бир арзимас хадия” деди,
Севиниб, гердайиб шу килганига.

Севгани кўрди: Йиртилибдир этак!
Деди: “Кимлар билан кувушдинг сен?”
Деди: “Ёлгиз тиканни кўрдим мен...”
Деди: “Менмас, сен ўйлаган тентак!”

Ерга – тупрокка тушди гулдаста,
Синди киз калби шунда бирпаста.
Чимкент, 1924, Июнь 13.

КАПТАР

(Семирамис)

Семирамис – Калданий ва Осурилар хурофотида “маъбуда” саналиб юрган бир киз. Бош томони киз, танаси балик бўлган эмиш. Онаси уни тукканидан кейин, бир камишзорга ташлаган. Унда, уни каптарлар ўстириб, парвариш килганлар.

Шу учун исми “Каптар” маъносида “Семирамис” кўйилган.

Калъалар фатх эткан, кўп урушлар кўрган. Хиндистонга қадар борган бир фотих эмиш.

Мисрда бир парихонга фол очтирган. Ўша фол тўгри келиб, охирда сувга тушиб, йўк бўлиб кеткан эмиш. Ўрнига ўгли подшок бўлган. Ўзи кечалари денгизга чўқар, кундузлари хукм сурар экан.

Бир ривоятда “Семирамис” Турк кизи бўлиб, Эрон подшоҳларидан машхур “Кайхусров”ни ўлдирган эмиш.

Эй, денгизнинг сувларидан кудрат олган ботир киз,
Кел, мундаги туткун кизга ёлборайлик иккимиз!

Сен сувларнинг кўпигидан ок чечаклар терганда,
Сен киличдан илхом олиб, кун чиқишда юрганда,
Сенинг билан бирга чопкан, бирга учкан оналар,
Нима учун бу туткунлик оловида ёналар?

Сен кундузлар кизгин куёш ёгдусида ёнаркан,
Тонг отканда танларингдан денгиз суви томаркан,
Кенг далада кушлар каби канот коккан оналар,
Нега, ёлгуз огуларга-захарларга қоналар?

Сен эркаклар кийимида зўр калъалар очканда,
Отларингнинг чангларини бўйига сочканда,
Йўлларингдан кон денгизи кўпурганда, тошканда
Сенинг каби истагига эга бўлган оналар,
Нега букун турмушдаги хар тилакдан тоналар?

Сен Мисрда гўзал Нилнинг уйкусини бузмасдан,
Нимагадир ховликмасдан, кутулмасдан, киз(и)масдан,
Йўлингдаги жонсиз ёткан чўпларни-да эзмасдан
Кари кохин маъбудага юрганингда сезмасдан
Кечаларнинг сирларини... Тўлиб ёткан оналар,
Нима учун тонга кадар кон – ёш тўкиб колалар?

“Мен дунёда хотин бўлиб яратилган эдим-да,
Энг кахрамон эркаклардек муъжизалар кўрсатдим!”
Деб ёздиргон сўзларингни (бўзқирлар)да кўрдим-да,
Туткун бўлган оналарни куткармоқка ахд этдим.
Бу ахдимга етмак учун сендан кутамен.(1)
Кел, бу йўлда кўмаклашсанг, хар тўсикни ўтамен!

Эй, денгизнинг тубларига кочиб кирган Каптар киз,
Кел, мундаги оналарни уйготайлик иккимиз!
Тошкент, 1922, Август 21.

ОЙ КҮЙНИДА

Шафтоли келинчак
Унинг кўйнида мен тентак...
“Мен богингга кирмасдан,
Одок бўпти емасдан;
Мунча тўлиб йиглайсен
Мен кўйнингга кирмасдан... “
(Халк Кўшиги).

Бир томчи тўкилган ёш учун шунча сўлишми?
Бу бокчада гул кўп эди сўлди амалимдек!
Кўнглингда бирор шарпани сезсам эди, гулдек,
Ўганда-да сен менда кўрардинг севишини!

Шафтолида ой нуруни кўргач, яна рухим
Ойлар каби ёш даврига суклар каби бокди.
Ёшлик ўзи – севгинг каби тортилмади бир зум.
Бир зум ўзи, бир гул ўзи... Дўзах каби ёқди.

Кўп титрама, кўп ўйнма, кўп кайнама, эй барк!
Хирс кўзлари соф кўксингга огули тикандек
Бир ботса-да, йиглатса-да, додлатса-да мендек
Хар кўзга бакирсанг, ки “Топилмас тоза истак!”

Мендан сўра, ёлгиз мана мен алданиб ўтдим,
Хар сахфаси, хар япроги “алдаш” бу китобнинг!
Бир ўкка илинмасми, тилинмасмиди жонинг?

Ой кўйнида тонг отгунча сенга шуни айтдим...

Бир томчи тўкилган ёш учун шунча сўлибсан,
Алдамчи фано кўзларга тентакча кулибсан!
Тошкент, 1923, Июнь 3.

СИРЛАРДАН

Бир тутум сочларинг менинг кўлимда,
Гижимлаб ўпайми ё тараб, очай?
“Сир” деб саклаганинг менинг кўйнимда,
“Сир” деб саклайинми ё елга сочай?

Сочилган сочингдай сочилса сирринг,
Анор юзларингни кимга тутасен?
Ўзинг-ку: “Уларда вафо йўк!” дединг,
Нимага уларни тагин кутасен?

Очилган кўйнимда тўлганган танинг,
Кўнглингдан килча хам хид еткизмаса [?],
Менга якинлашма! Эй, тирик бўса!
“Севдим” деганларинг, ёлгондир сенинг!
Тошкент, 1925, Январ 19.

КИШ ОЛДИДА

Кўклам кетидан ёзни узатдик, у-да кетди,
Кузнинг-да булутли, кора даври келиб ўтди.

Барглар яна саргайди, яна тўкилди, яна бўшлик...
Кушлар яна тўп-тўп кочалар... Карга факат шод!
Хар нарсада бир кайги, қадар, ранги сўлишлик....
Ичдангина, тинсизгина хар нарсада бир “дод”...

Дунё... яратилганда хунук, чиркин эмиш-да,
Кўклам била ёз унга кийимлар кийгизармиш.
Куз... ҳеч кўра олмас, ичи тор, кизгин эмиш-да,
Хар нарсани сўлдиргувчи кўлни тегизармиш.

Куз даврида дунё кийими колмас эмиш-да,
Киш чогида унга карамоклик-да ёмонмиш...
Бир карга факат кўзларини олмас эмиш-да,
Карга шу учун кишда қуярмиш-да, ёнармиш...

Холбуки, на куздан ва на кишдан юз ўгирмай,
Хар кайсисидан кўнглим учун топдим ўйинлар.

Ёзлар каби кишларда-да гам рангини кўрмай,
Ўтмакда куёш кўйнида кунлар каби тунлар!

Дунё кийими йиртик эса кайги керакмас,
Куннинг бирида ерга тушар пахта каби кор.
Дунё танига кор кийими нега келишмас?
Оклик ичида коп-кора кўз... ўт каби чакнар!

Кўклам каби кишнинг-да гўзал гуллари бордир.
Ёзлар каби кишларда-да олтин кечалар бор.
Кўклам каби кишнинг-да гўзал тунлари бордир.
Кишларда-да ёзлар каби жон – мугбачалар бор!

Кўклам-да кетиб, ёз-да битиб, куз-да тугалди,
Эй, киш бобо, чик ўртага, навбат сенга келди!
Тошкент, 1922, Октябр 5.

ЯНА КЎКЛАМ

Яна мен сенга кайтдим, эй кўклам,
Чунки борган сари юзинг очилиб,
Чунки борган сари хидинг сочилиб,
Сил кўнгилларга бахш этар малхам!

Кечанинг сирли кўйнига бекиниб,
Кечага тотли бўсаларни бериб,
Юзидан пардаларни иргиткан,
Дунёга бир келин каби чиккан.

Турли туслардаги чечакларни
Кўрсам, айникса, тонг отар чокда,
Сўнгра кун кон сочиб ботар чокда,
Сўнгги нур ўйнаган теракларни –

Шунда шаббода-киз билан бирга,
Кувлашиб ўйнаганда япроклар,
Шу жувон толдаги курук бир шох,
Куп-курук гавдасин тутиб елга –
Кайси кўкламни! Билмадим, йўклар!
Кимга хасратини англатар?!
Эвох!...
Тошкент, 1924 йил, Март 31.

КИЗ КЎШИГИ

Ўксук кўнгил куши

Тушди кафасга,
Сира етолмайдир
Эркин нафасга,
Кора кунлар тушди меним бошимга.

Сикик кафасларда
Яйрай олмаймен.
Жаннат боглар бор-ку,
Сайрай олмаймен.
Ёмон кунлар тушди меним бошимга.

Кип-кизил кон бўлиб
Кунлар ботадир...
Ёмон хидга тўлиб
Тонглар отадир.
Огир кунлар тушди меним бошимга.

Жаннат каби боглар
Булбулсиз колган...
Осмон бўйи тоғлар
Кулунсиз колган...
Кийин кунлар тушди меним бошимга.

Кўз ёшимда ювсам
Юртнинг багрини,
Тилим билан сўрсам
Оккан конини...
Конли кунлар тушди меним бошимга.

Хасратим кўп, элга
Айта олмаймен.
Армоним кўп, дилга
Жойлай олмаймен.
Ўтли кунлар тушди меним бошимга.

Кафасларни бузиб
Учсам осмонга!
Кишанларни узиб
Етсам жононга!
Ёрсиз кунлар тушди меним бошимга!
Андижон, 1923, Июл 1.

ГАФЛАТ

“Биз олам китобини янглиш окиймиз-да
“У бизни алдайдир.” Деймиз”.

Р. Тагор.

Тонгларнинг сирлари тўрни кенг ёйганда,
Биз-гофил уйқунинг каърида қоламиз.
Тўлган ой кўкларда сузилиб борганда,
Биз-кўпол, тонгликнинг қаҳрида қоламиз.

Ёлгонлар, алдашлар бошланган дамларда
Уйқумиз очилиб, борликка чиқамиз.
Бир замон қиличлар ҳеч турмас қинларда...
Шул замон биз хатто кўкларда учамиз!

Дерлар, ки “Ойларнинг нурида вафо йўк!”
Демаслар улар, ки “Айб бизда, биз бузук!”
Андижон, 1923, Септябр23.

КЕЧКИРИШ

Баланд-пастлик, катта-кичик бинолар;
Кизил, кўм – кўк, яшил томлар устида.
Ола-була, қуюк-суёқ булутлар...
Кўкни қоплаб, бир томонда тўпланган!

Қун ботаду... тарқок, ёйик лолалар,
Унда-бунда булутларнинг юзида
Сил юзидек ранги кетиб сўлиблар...
Қоронгилик Шарқ томондан кўзгалган!

Шом азони... муаззиннинг ёсунсиз,
Қучсиз товши титрабгина чўзилган...
Ёмгир пича ёғиб ўтқан, бузилган –
Қингир кўча четидаги узун из...

Қисмат излаб ҳар томонга тарқалган
Қатта-кичик, ёшу қари бўшашиб,
Қориб, қарчаб секингина қайтадир,
Мақалланнинг бир ерига тўпланган
Бир тўп бола... турлик ўйин ўйнашиб,
Қетганларни қутади...
Белгисизлик қанотини кенг ёйиб,
Қоиниотни қучоғига тартадир.
Қироглар ҳам жин кўзидек йилтиллаб,
Қира қараб мунгайиб
Қўринадилар.
Қилқиллаб –
Ёмгир суви ер бағрида ётадир.
Тошқент, 1923, Май 5.

ШАФТОЛИГА

Ўн саккизга кирган кишлок кизларининг юзидек
Кип-кизарган юзларингдан бир ўпиш бер, шафтоли!
Сенга караб турганимда – бир озгина бўлса ҳам –
Бўлмас каби, йўк кабидир ... умидимнинг заволи!

Умидимнинг заволига кон йиглаган кўзларим,
Ёшларимни юзларингга томчи-томчи тўқдими?
Ёки севги армонида шахид бўлган йигитнинг
Есир рухи кони билан лабларингдан ўпдими?

Майли, севган ошикларинг юзларингга тўймасун,
Лекин ракиб лабларингга лабларини кўймасун,
Захарини кўймасун!..
Кўкон, 1924, Апрель 2.

ЎШ КЕЧАСИ

Коп-коронги кеча.... Чироклардан
Сўнгни нур кетди, у йироклардан
Ўкириб, гувлаган товуш келадир,
Кечанинг кенг сукутини тиладир...

Нима?
Кандок товуш бу?
Билмаймен.

Кулогимни сира ололмаймен.
Балки бир тўп ажинанинг кўшиги
Ёки алвасти товушининг чўзиги
Ёки тоғларда дев ботир ўйнар
Ёки сахрода бўрилар тўйи бор...

Кечанинг балки йиглаган доди,
Балки куннинг аламли фарёди!..
Ўш, 1924. Феврал 7.

ИККИ ЎТ ЎРТАСИДА

“Между Двух Огней”

(Русча бир асардан)

Бир тарафда сенинг кўзинг кулмактадир, эй юлдуз!
Бир тарафда жигаримни тилмактадир, гўзал киз,

Сенинг ўткур кўзларинг!
Юксакдаги абадият кучогини очадир,
Куйидаги ёниб, ўчиш хидларини сочадир.
Тўгри экан сўзларинг.
Эй, хар замон одамларни юксалишга чакирган!
Ва бу кўпол мияларга сиголмаган хур виждон!
Кўкон, Октябр 5, 1924.

ЖАР БЎЙЛАРИНДА

Яна жар бўйларинда ёнбошлаб,
Кўзни атрофга юргизип колдим.
Яна “сабарга”ларга гап ташлаб,
Тилда килларин тиризиб колдим.

Яна дўстлар билан кулиб, ўйнаб,
Кайгуни кўммак истадим ерга.
Яна бор-йўкни мунгланиб, куйлаб
Яна товшимни куладим кирга.

Яна жарларда сакрашиб, чочиб,
Яна кизларни кувлашиш кетди.
Яна гулларни ясташиб, янчиб,
Кўкат устинда ўнашиш кетди.

Яна юмшок шамол бошимдан учуб,
Яна сочларни таркатиб кетди.
Яна ўйлар, баландга – кўкка кочиб,
Яна умидга йўл топиб кетди...

Кўрка-кўрка, секин кулиб гуллар,
Яна кун тигини кучоклайлар.
Йўк факат мунда тоза сунбуллар,
“Шу” учун чин амаллар аглайлар...

Куйида сув окар кўшук айтиб,
Жимгина тингламоқда бир тўп тол...
“Мен ўроз*ахтарай тубанга кетиб,
Сен бу жар бўйларинда яшнаб кол!”

Бу кўшуклар меним-да кўнглимда,
Эски ўйларни кўзгатиб кўядир.
Гул емас, шох-тикон-ку кўйнимда,
Хар бахор бир ботиб, эзиб кўядир.

Яна жар бўйларинда... Кайгу факат,

Яна ястанди, сўлди... Майса, кўкат...
Тошкент, 1923, Апрель 8.

ЕР АСИРАЛАРИ

Ер асиралари, ер асиралари!
Олтин билакузуклар, ёкут маржонлар,
Садаф доналарми тасаллилари,
Кўргонми, деворми насибалари,
Кун санаб ўтарми ой-йиллари,
Тилга келмасларми шу кадар жонлар?

Ер асиралари, гўзал тонгларнинг
Сочидан кўнгилга кувват олингиз!
Ўзингиз тиришиб, бевиждонларнинг
Кўнглига эрк учун илхом солингиз!

Ер асиралари, ер асиралари,
Ёш тўкиб йиглашми насибалари?!
Андижон, 1924, Сентябрь, 24.

ЯНГЛИШАСИЗ!

Сиз дейсиз, ким мен кўкларни ўйлаймен,
Ер бетига сира назар солмаймен!
Янглишасиз: Мен кўкларга беркинган
Ер кизидан хаёлимни олмаймен!
Кўкон, 1924, Сентябрь, 28.

ЭЙ БУЛУТ!

Далалар – кирларда, адирнинг ёнида,
Хар турли ёввойи кўкатлар кўйнида
Ухлаган йўлчини нимага уйготдинг,
Не учун кўзингдан садафдек ёш тўкдинг?

Бевафо бир этак* кўлингдан чикдими
Ё гўзал масканинг илонга ин бўлди.
Ё эркин кўнглингни тириклик сикдими
Ё севган гўдагинг бўрига ем бўлди?..

Хар холда мен каби бир саёк телбасен,
Юзингга ҳеч қайда бир эшик очилмас.
Сен кочкан йўл билан одатда кочилмас;
У йўл ҳам бошқадек махв этар... билгайсен!..

Адирнинг тепаси бир озрок жой берди,
Кирпикну кирпикка кўйдим-да ёйилдим.
Шу чокда кўкларда кўланканг кўринди,
Туш билан кўришар-кўришмас айрилдим...

Кўзимда сен каби уйку йўк, эй булут!
Истаймен ўлимдек бир сукут!..
Чимкент, 1924, Июнь, 2.

ТАН БЕРДИМ

(“Умид Учкунлари” шоирига)

Тан бердим мен, унадим мен сенга, сенга эй ёш куч!
Хакикатан бу келишинг зўр исён!
Умид билан зич тўлибдир хамийён.
Канотларинг карши елни сезмайдилар, юксал! Уч!
Ер кунини кўкка бер!
“Юнкерс” “Марс”га бормокчи,
Бошликларни олмокчи,
Канотингни кенгрок кер!
Томирингда исёнчи кон, тўхтамасдан югуриб,
Сени доим бир талваса кучогида саклайдир;
Алангали тили билан “келгуси”ни хаклайдир.
Сен хам букун, юзларингни келгусига ўгуриб,
Уни мактаб-алкайсен.
Ўтканларга ёмон “гина” саклайсен...
Бизлар факат ўтканларга богланиб,
Ўтканлардек аста-секин йўк бўлдик.
“Кўнгил” дедик, кўнгилларда “кул” бўлдик...
Ўтканларнинг кафанига чулганиб,
У оловли кўзларингга карасам,
Хамийёнда учиб чиккан учкунларни санасам,
Исён ўки ўлик танга кирмасин,
Откучиси ёш –
Ватандош бўлмасин!..
Андижон, Март 27, 1925.

КЎКЛАМ КЕЛАДИР

Кўклам ойим йўлга чиккан, кўклам ойим кўзгалган;
Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп хам колмаган!

Тиник хаво... кўк юзида оппок, харир пардадек
Ок булутлар, унда-мунда ёйилганлар паришон.
Шуълаларнинг акси билан йилтиллаган игнадек,

Кун тиглари, карашларга ўткур-ўткур санчилган...

Кип ялангоч дарахтлар ҳам кучок очип, кўз тутиб,
Кўк кўйлакнинг битишини чидамасдан куталар.
Каргалар ҳам кишда килган гунохларни унутиб,
Узр айтмасдан, индмасдан, учиб-учиб кеталар.

Сезгиларни уйготгувчи хидли гуллар тўпланиб,
“Биз ҳам йўлга чикдик!” дея юборганлар бир чопар.
Гул хидидан риск эмгучи жониворлар уйғониб,
Эрта-индин бокчаларга, чаманларга таркалар.

Кўклам ойнанинг ипак кўйлак этаклари судралиб,
Кора ернинг бошларини силаб-сийпаб келадир.
У силашдан, у сийпашдан кувват олиб, куч олиб,
Кора ер ҳам кўксидаги олтинларни берадир.

Кўклам билан юртимизга ҳам бир кўкариш келсайди;
Кўнгиллар ҳам хаволардек кўклам хиди берсайди,
Хидларга ҳам хаволардек кўклам рухи кирсайди!..
Андижон, 1924, Феврал-18.

МЕН ХАМ СЕВАМЕН!

Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб,
Ёруғ юлдузлардан севги кутдим мен.
Хар юлдуз тигига рух билан тегиб,
Узун тунлар бўйи кутиб ўтдим мен.

Юрганда, турганда хар гўзал нарса,
Меним кўзларимга севги кўринди.
Севгига ёт бўлган хакикий шуъла,
Ўтлар, оловлар-чи,
пирпираб сўнди!

Йигитлик кўкариб яшарган дамда,
Хар юмшок товушка туткун бўлдим мен...
Хар гўзал чехрага кўнгил берганда,
Борликни у учун қурбон қилдим мен...

Энди у кунларим ўтиб кетдилар....
Энди турмушимда ойдин кечлар йўқ.
Вафосиз севгилар учиб битдилар...
Англадим севгида хар кўнгил бузук!

Кўнглим қурук эмас, яна севги бор.

Факат бу севгида алданиш йўқдир.
Хорган кўзларимда хаёл яна бор,
Факат у хаёллар нурдан тиникдир.

Энди хар нафасда яна куямен,
Факат мажнун бўлиб элни севамен,
Унга хурмат билан бўйин эгамен,
Бошимни у учун дорга кўямен !..
Тошкент, 1923, . Июл, 3.

“ЭРКИН СИНГИЛ”ГА

1

Бурун-хаммадан
Тубан тутилган.
“Чиркин пардадан
Энди кутилган” –
Эркин синглимиз,
Биздан хам эшит!
Биз хам “ўз” йигит,
“Бошка” эмасмиз!

2

Кун чикмай кўзгал,
Ўрагингни ол,
Далаларга бор,
Экинларни ёр,
Бугдойларга сол!
Йўкса, тонг увол...

Каршингдаги чол,
Хайли кариган,
Яшаб хориган,
Соколи оппок...
Шундок бўлса-да,
Сендан бурунрок
Далага чикиб,
Гарамлар йигиб,
Канча боглаган!
Хеч чарчамаган,
Оёк-кўл илдам!
Якин бориб кўр,
Гул юзингни бур.
Ўйноклаб туриб,

Шараклаб кулиб,
“-Ота, хорманг!” де,
“Чарчаб колманг!” де,
Кўнглини кўтар!
Ёшариб ёши,
Кариган боши
Кўкларга етар!

3

Кучинг кетадир,
Холинг битадир.
Чарчаб коласан,
Хориб-толасан.
Кишлокка караб,
Экин оралап,
Йўлни соласан...
Йўлинг да дала,
Далада “лола”.
Кип-кизил бўлиб,
Хаётга тўлиб,
Кулиб турадир...
Сенга тикилиб,
“Опажон, ол!” деб;
Агар олмасанг,
Назар солманг.
“Кул”дек ялиниб,
“Куш”дек талпиниб,
Ўлиб турадир...
Чидай олмайсен.
Тек коллолмайсен;
Хавас кўзгалур,
Кўлинг узилур,
Узиб олурсен...
Кўкат ипларга
Бир мунчасини
Чизиб олурсен...
Кулиб бокарсен,
Сўнгра такарсен...
Энг кенжасини
Ахтариб топиб,
Кулокка такиб;
Лаъли сепларга
Ўпкалар ёшлаб,
Пичинлар ташлаб,
Дашном берарсен,

Йўлга кирарсен...

4

Бир дехкон йигит,
Шахарга келиб,
Йигинга кириб,
Ахволни билиб,
Қарор ўқилгач,
Йигин ёпилгач,
Аста... пиёда
Кайтиб борадир.
Кўшук: “Ёр, доде...”
Айтиб борадир.
Йўлида тала,
Талада “хола”.
Холада “лола”...
Хуштор бўладир,
Хавас тўладир.
“Хорма, киз!” дейдир.
”Хорманг, сиз!” дейсан,
Юмшок куясен
Баттар эрийдир...

5

Бугдой оралаб,
Кишлокка караб
Кеткан вақтингда,
Оёк остингда
Сомон парчалар
Албат, янчалар...
Факат уларнинг,
У мискинларнинг
Улуг хирмондан
Озукдан-дондан,
Энг зарур “нон”дан
Увалиб тушкан
Ерда увишкан
Улуг зарралар,
Милён карралар
Бўлганлигини
Унутма, синглим!
Чўпсиз ерларнинг,
Донсиз елларнинг,
Ўлимлар билан

Тўлганлигин
Унутма, синглим!

6

Кун тугал боткач,
Даладан кайткач,
“Лола”дан чамбар
Такиб оласен,
Гуллардан камар
Топиб оласен.
Бир туп толинг бор:
Юмшок кимирлар.
Ёш навалари
Кечки еллардан.
Ёз савдолари
Йирок эллардан.
Мунда кувлаган,
Дарбадар килган
Кечки елларни,
Каландарларни...
Тол шохи пастак;
Чўзилиб жиндак,
Узиб оласен
Тол наваларни,
У соддаларни
Сочингга илиб,
“Чочпопук” килиб,
Юриб каласен.
Шунда ой чикар,
Зулматни сикар,
Сути тўкилур...
Бутун ерюзи
“Оппок кўл” бўлур...
Юлдузнинг кўзи,
“Хафиф” жимиллаб
Сенга тикилар.
-Кандай ойдинлик!”
Гўзал шу борлик!
Кечалар кутлук!
Деган сўз билан,
Ёнган кўз билан
Аста лимиллаб,
У ... йигит келар!
“Хафиф ойдинлик!”
Кишлоқда тинлик..

Кўкда ой-юлдуз,
Ерда йигит-киз
Тунга чўмарсиз,
Хаёт эмарсиз...

7

Иш, куч... кунларда!
Шундок тунларда
“Хафиф ойдинлик!”
Пуч нарса эмас!
“Асил жонлилик
Йигит конлилик”
Шунда! “демаса”,
Шуни сезмаса...
Сени танимас,
Хеч нарса билмас!..

Синглим!
Шундок тунлардан,
Лола-гуллардан
Тортинма, безма,
Багримни эзма!..
Кўкон, 1925, Июл, 15.

СОМОН ПАРЧА

(“Кундалик Дафтарим”дан)

“...Дахр бир сейлобдир мулхак фано дарёсина
Биз ки сергираниз ул сейлаха душмуш хору хас.
Чизгинур хар у хас ул сейлаба олдукча реван
Етмеден даряя рохат мумкин олмаз бир нафас...”
[“Фузулий”]

Топширдим ўзимни мухитнинг эркига...

Мухит гирдобиди бир сомон парча,
Бир похол чўпидек окиб борамен.
Хар амал, хар ишни “хак” деб бораман,
Вазминим колмади бир узук килча...

Мухит кучли экан, эгдим бўйнимни,
Чакмокдек ялтираб учиш йўк энди.
Ёлгон хаёлларга кўчиш йўк энди,
Окишнинг йўлига солдим кунимни.*.

На исён, на тўлкин, на тўфон, на ўт!
Кўзимда огир бир таслим нури бор.
Ай ўтли кечмишим, юзингни беркит,
Сенда шайтонларнинг хаксиз зўри бор.

Мен энди худди бир сомон парчаси...
Лекин зўр денгизнинг чексиз кўйнида,
Жимгина борадир кирсиз кўйнимда,
Эркин кўпикларнинг алла канчаси!

Кирмаймен кўчанинг боши беркига,
Чунки таслим бўлдим мухит эркига...
Андижон, 1923, Октябр

ЎЗИМНИКИГА

Кўп кўркам чечаклар ўраб олганда,
Беҳуда хисларим хийла кийнади.
Бутун кўркамликни сен менга сакла,
Сендан бошка гуллар “ўз эмас” энди.
Тошкент, 1923, Август, 13.

НЕ АРИЁР?

(Усмонлича)

Гўнглум бошлуклардан бир шей ариёр,
Теъмин едерим ки, гунаш оламаз.
Недир арадиги, кимсе билмиёр,
Гунеш, кендисине бир эш оламаз!...
Ташкент, 1923, Август, 13.

КУШНИНГ ХАДИГИ

1

Куш бечора кўрдадир, ким уясидан айиргайлар,
Уясидан айирмок-ла канотини кайиргайлар.

Майда симдан силлик килиб, мохирона тўкилган бир
Кафас топиб, дарчасини очип дерлар: “Масканга кир!”

2

Мискин куш хам янги маскан “чеккаси”га кўниб олар,
Масканига кўз югуртирар, теграсига назар солар.

Ва кўрар, ким маскан ўзи машинада куйилмишдир,
Уни хозир килмок учун, кўп зехният сарф бўлмишдир.

Дарчалари махкамгина, пухтагина, хотиржамлик,
Сув ичкали, дон егали тешиклар бор кичик-кичик...

3

Симлар билан иши йўқдир, чикмок учун очиб кўрар,
Ўрмонларнинг хаёлида хар томонга ўзни урар.

Томни тешиб чикмок учун шипларга хам кўп илинар,
Ундай килиб, бир интилар – мундай килиб, бир интилар.

4

Факат ,заъиф вужудини канча урсун деворларга,
Балки унинг юмшок тани тўлиб кетсун ол конларга,

Деворларнинг сезгиси йўк, туйгуси йўк, товуш бермас;
Тегра бутун рухсиз гавда, “Нечун мундок бўлдинг?” демас.

5

Унинг бутун тасаллиси – тўлиб-тошиб сайрамокдир,
Кўм-кўк дала ўрмонларни эслаб-эслаб йигламакдир,
Йигламакдир!
Ўш, 1924, Феврал, 3.

“БОЙЧЕЧАК”

“Бойчечакнинг боласи”
Очди юзини:
Сувга чиккан холаси
Кўрди кизини!

“Бойчечакнинг боласи”
Етимча бир киз...
Унинг ўгай онаси
Жуда ёмон, тез!

“Бойчечакнинг боласи”

Юлип олинди.
Юртнинг кўзи оласи
Жуда севинди!

“Бойчечакнинг боласи”

Хар уйда кулди.
Гўдакларнинг халтаси
Нон билан тўлди!
Андижон, 1925, Март 18.

САТАНГ

Коп-кора сочидан иккита гажак
Буралиб-буралиб юзига тушмиш.
Колганлари яна бўлакма-бўлак
Белидан йилондек ерга чўзилмиш.

Унинг юзларида бошка кизлардек
Кетсиз кайгуларнинг излару йўқдир.
Балки эрқда ўсган эрка кизлардек
Тўлгин юзларида доим шўхликдир.

Кўзлари кулишдан бошкани билмас,
Хар доим огзидан шакар тўкилур.
Севгидан бошкага бўйин эгилмас,
Олдида сўфининг аҳди бузилур...

Ихчам бармоклари килда югурса,
Жонсиз киллардаги куш каби сайрар.
Енгил оёқлари йўргалаб кетса,
Сил бўлган кўнгил хам очилар, яйрар!

Кизил юзларида икки гажакча...
Айникса, кўп кўркам бўлган шу кеча!..
Тошкент, 1922, Август 6.

ОДАМ ва КУШ

(Русчадан)

Гўзал кушлар! Менинг мунда борлигим
Хеч сабабсиз кўркитадир сизларни!
Сира кўркманг! Сайрай беринг эркинлаб,

Кўнглингизда яширин ёткан сирларни!

Хам далада, хам бокчада тинч бўлинг!
Тутмок учун сизга тузок кўймаймен,
Эркинликда эркили бўлиб яшашнинг
Кимматини мен ўзим хам билмаймен!..
Ташкент, 1922, Август, 20.

ЎЗБЕК ЧИНОВЧИЛАРИГА

Ерни ўлчанг, таноб тортинг, хандасага тўгриланг!
Ер экувчи дехконларнинг холатини хам хўп ўйланг!

Таноб деган жонсиз нарса мўлжалгача чўзилур,
Аммо жонли дехконлар-чи? –Унга етмай узилур!

Ер сизларга кўкрагини катта очиб кўрсатар,
Дехкон бўлса, кўз ёшини ерга сочиб кўрсатар.

Ракам билган мия билан дехкон гамин анлангиз!
Таноб тортган кўллар билан ярасини боглангиз!

Ўзингизнинг ер экканнинг хизматига чоглангиз,
Ер ва мехнат ёвларининг юрагини доглангиз!
Кўкон, 1925, Июнь, 27.

КУЗ ГУЛИГА

Ранги ўчкан,
Умри кечкан,
Куз гули,
Бу йўли
Пастрок эгил,
Менга бир ўпиш бергил!

Бурун ёз эди,
Тўла ноз эди,
Энди куз келди,
Каддинг эгилди,
Рангинг сўлмоқда,
Ёшлар тўлмоқда
Гамли кўзларга.
Сўлгун юзингга
Кимса карамай,
“Узайин” демай,
Ўтиб кетмақда!

Куз етилмакда,
Кишдан чопар бор,
Ёмон хабар бор!

Энди ноз килма,
Нозланиб кулма!
Кел, лабимга кел,
Бир озрок эгил,
Бир яйраб ўпай!
Шунга эсириб,
Рухингга кириб,
Кўкламга етай!..
Андижон, 1925, Март, 13.

20 АСР

(Усмонлича)

Бу эмиш: Билги – фан, хунар асри,
Бу эмиш: Юксалан башар асри,
Хадисат ўйла гўстериб ки, бу асир
Ялингиз: Шеър ве шеър ве шеър асри!...
Андижон, 1924, Март, 18.

БАЛАНДЛИКДА

Окшом чоги мунда кел-да сайр эт,
Кобуси гадам билан фанони.
Интилма самога, тўхта, сабр эт,
Бу ерда таниб ол оку карони!..
Бухоро (Амир Саройи), 1923, Май, 3,

ЧЕЧАК

(Бир кечанинг эсдалиги)

Янгигина япрок ёриб чиккан чечак,
Беш-олти кун хар ким учун тансик бўлар.
“Битди иси” деб ташласа бирор тентак,
Хар ким тепса, хар ким эзса, у хаклидир!
Беш-олти кун кўкракларда улугланиб,
“Мен гўзалмен, чиройликмен!” деган гулни,
Ерга тушкач, олиб кўринг... Сўлгинланиб,
Ўлим тусли ранги билан истар чўлни!
Ва айтар ки: “Агар чўлда, биёбонда,
Бир ёввойи, хидсиз чечак бўлса эдим,

Узиб олиб, ерга урмас хар инсон-да,
Кенг сахрода ўзим яшнаб, саргаярдим!
Хар хоин кўл мени ерга урмас эди,
Хар бир оёк кўкрагимда юрмас эди!..”
Тошкент, 1923, Март, 3.

КЕЛИНЧАК

Бутун гунохи
“Кўк карга шохи”
Кийиб юргани...

Дунё кўркини,
Ўйин-кулкини
Яхши кўргани.

Хар кунни сахар
Бокчага чиқар
Гуллар тергали.

Эрига эмас,
Чунки, ярамас,
Дилга бергали.

Бўйнига осиб,
Багрига босиб,
Овунган бўлар.

Бир талай гамдан,
Хасрат аламдан
Совунган бўлар...

Ойнакка караб,
Сочини тараб,
Ўзига ошик...

“Шу ерга тегдим,
Қаддимни эгдим,
Ўлганим ортик!”

Хар кун эрталаб,
Бир талай газаб
Эр ўлгуридан.

Кундуз нагмаси
Кайинонаси –

Кўмилгуридан...

Кўшни келинчак,
Истаб “халунчак”
Чикиб коладир.

Ўлтириб ерга,
Ўша келинга
Хасрат киладир.

Шунда очилиб,
Хийла сочилиб,
Анча яйрайдир.

Кайгуга тўлса,
Ўзи жим бўлса,
Дутор сайрайдир!..
Андижон, 1925, Март, 25.

ЯНА ЗАРАФШОН

Фил миниб, ўт ёкиб ўтиб кетдим
Яна устингдан, эй чўзик дарё!
Яна киргокларингга хис септим.
Мунга сен берма бошка хил маъно.

Хисни киргокларингга сепмаклик
Менда бир эски, тентак одатдир,
Ёш тўкиб тупрогини ўпмаклик
Кенг хаётимда бир саодатдир.

Тўрт ёгинг кўм-кўк ўт ва майса экан,
Кучогим шул кадар очилди, ки мен
Танларимга ботиб кетиб-да тикан,
Сезмадим, “гул” дедим... Йўколдинг сен
Кўзларим олдидан... Караб колдим
Яна йўлларга оч назар солдим.

Бой табиат бутун гўзаллигини,
Биламен, кўкрагингдан олгандир.
Бой дала, мактанувчи “менлиги”ни
Яшнатиб, кўксинга кадалгандир.

Шу гўзал чехраларга сув эмзиб,
Бурилиб, айланиб, окиб ётасан;
Шу кадар жонлиларга ем егизиб,

Кора даштлар томон чочиб ётасен.

Шу гўзал чехралар кулиб ётсун;
Кора даштлар томон чочиб окабер!
Товушинг йўксул элни уйготсун;
Кучли, лой сувларинг билан бирга.
У ўлим уйкуси оки бусун!

Яна бир катла хурматим сенга!
Самарканд (Темирйўл Бекати), 1923, Апрель, 29.

ЯНА ЎТ

Яна теграмда ўт, олов, учкун,
Яна кўкларда сор ва бургутлар,
Яна кўзгалмок олдида туткун,
Яна сархадда “Ур”, “йикит”, “тут!” лар.

У огир занжирингни шалдиратиб,
Кари Шарк, сен-да кўзгалурсенму?
Уюшик кўлларингни калтиратиб,
“Маданият”га шоп солурсенми?

Ёки ўткандаки эринчаклик
Яна йилларча тебратурму сени?
Ёки бир ховликар-да эркаклик,
Конли майдонга тезлатурми сени?

Кўзгалиб кетганингни бир кўрсам,
“Кутулурман!” деган ишонч бўлса,
Кишанинг парча-парча тўгралса,
Кутулиш изларингга юз сурсам!

Руҳи йўк бир “машина” олдинда
Нега ерлар кадар тубанландинг?
Нега жонсиз темирга богландинг?
Хўрланиш шунчаларми инсонда?

Яна хар ёна ўт ва учкунлар,
Яна кўзгалди конли тўлкинлар!
Тошкент, 1923, Май 26.

ИРФОН КЕЛАДИР

(Ўзбек Билим Юртини биринчи мартаба битириб чиккан 5 йигитга)

Шу йигитлар ки кўлга нурли нурли асо

Ушлашиб, йўлчиликни кўзлайлар.
У улуг йўл, ки бир улуг сахро.
Чин саодатни шундан излайлар.

У курук, кимсасиз, вахим йўлдан
Чарчамай, сувсамай ўтиб кетмак!
Тугамай ўтли интилиш дилдан,
Бор тўсикларни йўк этиб кетмак!

Шу ёмон, зим-зиё узун кечлар
Бизни ютмак, битирмак истайлар.
Эскилар куткаришка келмайлар,
Балки конларни томчилаб ичалар...

Тоза конларга иштаха саклаб,
Кутадир йўлда: Оч харис душман..
У улуг йўлни нур билан тозалаб,
Етасен истагинга, эй, ирфон!

Чунки сен янги, тоза бир кучсен,
Билагинг бир темир, пўлат кабидир.
Чунки сен ёгду-нурга кўп ўчсен,
Тилагинг бир олов, бир ўт кабидир.

Сен учун йўк: Ўлим, мозор, йўколиш,
Сен учун бор: Хаёт – яшаш, уруниш;
Эзгу-истакка тўгрилаб йўл олиш
Ва у йўлларда чарчамай югуриш!

Шу тилакларга зўр, улуг хурмат!
Шу юракларга сўнгги йўк химмат!..
Тошкент, 1923, Май, 12.

“КЎКЛАМ КЎШИКЛАРИ”дан: 1.

КЎКЛАМ ЁГМУРИ

Уч кунлик ёгмур,
Тўхтади базўр:
Булутлар кочди.

Кечкирган чокда,
Тол шохларига
Шўлалар тушди...

Хавонинг юзи,

Захарли кўзи
Мулойимлашди.

Шаркнинг малаги –
Ой камалаги
Кўкка улашди...

Толда “чочпопук”,
Киз кўнгли “пук-пук”...
Такмок истайдир!

Ўрток ёнини,
Хайри хонини
“Ха” деб кистайдир..

Лекин шуълалар
Синиб боралар...
Окшом “тўр” солди.

“Чочпопук” такиш,
Йигитка ёкиш
Ертага колди!...
Андиён, Март, 2, 1925

ШУ КУНДА

Истагинга йетар екан, канотларинг синдими,
Эй кўнглимнинг булбули?
Сенга карши кулиб турган гўзал чечак тиндими,
Ташладими бир ёъли?
Хаво ёрган кўкрагингни севги йели тилдими,
Кон тўлами хар томон?
Кўзларингга айрилиқнинг ипларини илдими?..
Шу килигани кўп ёмон.
Ё еркинлаб хидлагали бермайларми гулингни,
Тўсаларми ёълингни?
Гул ўзими кўзларингдан кўзларини кочирди,
Ёъкликларга яширди?
Шу юлинган парларинг-ла учолмассан, ёъксил куш,
У умидлар хавосидан енди бир оз тубан туш!..
Тошкент, 1922, Август, 7.

АЛЕКСАНДИР БЛОКдан

Кўнгил жимдир, совук кўкда,
Караб унга ёниб турган

Хануз-холо у юлдузлар.

Бутун атроф ва хар ёкда,
“Хан-олтин” деб фиғон қилган
Талашчи, галвачи эллар.

У жим, лекин фиғонларга
Кулок берган ва кўз тиккан
Узокларга, йирокларга...
Тошкент, 1922, Август, 7.

3-4 та ЮЛДУЗ

Гўристон, қоронги зим-зиё бўшлиқда
Адашкан бир йўлчи тасаввур қилинғиз!
Кўрқарсиз! Кўрқарсиз!..
Ва лекин уфқда
Уч-тўртта юлдузнинг учмасдан ярқираб,
Нур сочиб тургани кўрулса... дилинғиз
Кўркишдан бир қадар тўхтар-да, парқираб
Кўзинғиз олдида бир умид кўринур.

Шу умид: Қутилиш тонгининг нуридир!
Бухоро, 1923, Май, 1

КЎРУНГАН АЛАНГА

(Германия Воқеалари Тўғрисида)

Хунук, бузук, совук юзлар аланганинг бағрида-
Кон ўйинган кўзларини катта очиб туралар...
Тўп қишилар алангага ўзларини уралар,
Оналарнинг кўз ёшлари болаларнинг доғида.

Эй мадания, эй файласуф, эй аллома “қунботиш”!
Ер юзига қишан ёйиб, қуллик сепаиб, охурда
Бу нима, бу – алангалар тўри билан ўралиш?
Ҳеч мумкинми қаҳр этилсун қаҳр этгувчи қаҳирда?

Ер юзининг бир бурчида сиз базмлар қурганда,
Олам-олам бечоралар ботқокларда сурунди.
Нима учун атрофинғиз алангага бурунди,
Кон ноқуси сизнинг учун енгиш машин урганда?

Ҳар тарафда сизнинг қолиб қулларинғиз юрганда,
Нима учун олов чикди, алангалар кўрунди?
Андижон, 1923, Ноябрь, 30.

“КЎКЛАМ КЎШУКЛАРИ” дан: 2

КЎКЛАМДАН ХАБАР

Бака сайраса,
“Вакка-ка” деса,
“Кўклам кўзгалди!”
Деб, хабар берса,
Шунда хам кўнглим анча яйрайдир!

Не учун япрок чойшаб ёймайдир-
Танларига кон
Тўлиб колса хам,
Кўкрагига жон
Кириб колса хам?
Эй гўзал кўклан,
Судралма сен хам!

Югуриб, елиб,
Тездарок келиб,
Ўпуб ол баркни,
У эринчакни;
Очсун кўзини,
Алвон юзини.
Андижон, Март, 17, 1925.

БЕЗГАК КЎЙНИДА (38,2)

Уч кун бўлди, сув келмас,
Ариклардан гув келмас,
Шамоллардан “хув” келмас
Чанкаганимда...

Нега кулдим? –Билмадим.
Хурсанд бўлдим – билмадим,
Ёшка тўлдим – билмадим,
Уйгонганимда...

Сув керакмас, ёр керак,
Ёр эмас, диёр керак,
Диёрга “фанор” керак
Уйгок чоғимда...

“Фанор” топиб оқайин,
Канотимни такайин,
Диёр ичра оқайин

Соғалганимда!..
Андижон, Март, 17, 1925.

ШАРАФЛИК ХИЗМАТ

(Ўзбек сахнасининг кийматли санъаткори Саъдия Туташка)

Эй, йўқсуллар сахнасида энг кийматли санъаткор,
Эй, занг боскан кўнгилларни оқарткучи малика!
Бу кун сени кўнглум бутун борлигила олқишлар;
Факат, канча олқиш, хурмат килинса-да оз сенга!

Ўзбек кизи ўз огзида айтолмаган сўзини,
Сенинг ўткир тилинг билан эшиттирди элига,
Ўзбек кизи сил оқарткан, сўлгун, гамли юзини
Сен оркали кўрсатди-да, кутултириш йўлига.

Бу кун юртнинг хар ерида ўзни тиккан йигитлар
У коп – кора пардаларга: “Йиртил, энди бас!” дейилар.
Эй пардалар, чимматларнинг остидаги кайгуни
Тирик, жонли шакли билан эл кўзига кўрсаткан;

Эй, деворлар оркасида йиглагувчи чолгини
Кулоқларга эшиттириб, шафкат хисси кўзгаткан,
Эй, санъатнинг энг хаваслик, энг берилган малаги,
Бу кун сенда сахнамизнинг барча умид, тилаги!

Ўзбек кизи яна кўп йил кишанлардан кутулмас,
Кўз ёшлари яна кўп йил ўз юзига тўкилур.
Унинг юзи яна кўп йил шодлик кўрмас, очилмас,
Яна кўп йил товушлари коронгида йўк бўлур.

Шунинг учун мендан сенга энг самимий олқишлар,
Эй йўқсуллар сахнасида энг кийматли санъаткор...
Тошкент, 1922, Июл, 7.

ТАШЛАМА

(.....(?) га)

Кўксингдан гулингни олиб ташлама!

Хаёлинг кўқларда учиб юганда,
Ўйнок истакларни кучиб юганда...
Кўзларим кўксингга боғланиб турди;
Карашим ўзимни у гулга урди.

Севганинг сен гулга бокмас бўлса-да,

Сен жафо расмини асло ушлама!
Кўксингда бир куни куриб сўлса-да,
Гўзал киз, у гулни олиб ташлама!..
Кўкон, 1925, Ноябрь, 21.

“ИЧКИ ХИСЛАР” ОСТИДА

(Танса кечасида коғоздан гул сотиб юрган бир кизга)

Хай туташ, кўп чопдингиз... Бизлар туташдик сиз учун!
Бир кулиш, бир илмайиш ортикми дерсиз биз учун?

Тўлди кўкракка бутун гуллар, чечаклар, лолалар;
Сиз кадаб кўймасангиз, бир пулга турмайдир улар...

Жингалак сочлар билан кўз ўйнатиб, гул санчдингиз,
Ах, факат, дилда мухаббатдан жарохат очдингиз!

Гул-чечак хам лолалар багримда сўлгай тезгина,
Кўп замон яшнаб юарсиз кўп кўнгилда сизгина...

Биз факир... кўп акча йўк... Топканни солдик халтага,
Хар ўтиш, хар кўриш чогида аччиг бу нега?

Тубда биз мундай ўйинлардан такир тот олмадик,
Бошқалардай чочишиб, масрур бўлиб ўйнолмадик...

Бу кеча кўрдук факат сизни.. Юрак бир ўйнади!
Ёзмас эрдим, афу этарсиз... Ички хислар кўймади...
Тошкент, 1923, Апрель, 13.

ЖАВОЛАШ

(Бир ўлимнинг изи)

Дедилар, ким: “Вафот этди Жаволаш.”
Танларимда чўзик, огир бир титраш.
Бошланди-да япрок каби чўзилдим,
Бир канча чоғ тушунчада йўк бўлдим...

Хай, кушлардек учиб юрган енгил жон,
Гавданг энди тупрокларга кўйилди,
Изларинг хам ер бетидан ювилди.
Факат, рухинг кетмас она бағридан!

Бошка дунё тортканида ўзига,
Унамоқдан бошка йўлинг бўлмаган.

Оз бўлса-да бир мархамат килмаган,
Маъюс-маъюс карасанг-да юзига...

Дедилар, ки “Вафот этди Жаволаш”
Калб кўзимдан чикиб кетди катор ёш...
1924, 9 Май, Кўкон (Темирийўл Бекат).

СЕЗГИ

Бокчаларда сўлди гуллар, сўлди гуллар сезмадим,
Кип-кизариб, ботди кунлар – ботди кунлар сезмадим.
Кайда колди конли кунлар – конли кунлар сезмадим.
Сочларинг боглаб олиб, боглаб олибдир сезгини!

Бир йирок йўл, ким унинг йўқдир кети – йўқдир кети;
Чанг ва тупрок бўлди, кетди, унда кўпларнинг бети,
Минг жаханнамдир – жаханнамдир унинг икки чети,
Бир куни ўлгай адашиб кон мухитининг келгини...

Кўзларимни мен тикиб колдим – тикиб колдим унга,
Лола гулларни экиб колдим – экиб колдим унга,
Тоза умидни тутиб колдим, тутиб колдим унга,
Чунки мен кўрдим, кўриб колдим кераклик белгини!..
Кўкон, 1923, Декабр, 9.